

453
454

Ўттинч тўққизинчи йил чиқиши
Шаввол-зулқаъда 1445ҳ
Май-июн 2024м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Ғазо уруши ҳамда унинг халқаро ва минтақавий муносабатларга таъсири

Ғазо уруши
Туркиядаги сайлов-
ларга қандай таъсир
кўрсатди?

84

Феминизм ва гомосек-
суализм маданиятининг
тарқалишида халқаро ва
ноҳукумат ташкилотлар-
нинг роли

47

Яҳудий вужуди билан Кўрфаз
давлатлари ўртасидаги муноса-
батларни нормаллаштиришнинг
хатарлари
Мусулмонлар бунга қандай қарши
туришлари керак?

20



453
454

Шаввол-зулқаъда
1445ҳ
Май-июн 2024м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ғазо уруши ҳамда унинг халқаро ва минтақавий муносабатларга таъсири..... 3
- Антисемитизм ва унинг Фаластин масаласига алоқаси (1)..... 11
- Яҳудий вужуди билан Кўрғаз давлатлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришнинг хатарлари... Муслмонлар бунга қандай қарши туришлари керак? 20
- Ҳарбий устунлик уйдирмасининг қулаши... Исломий оламдаги қуролли ташкилотлар ғарбни боши берк кўчага олиб бормоқда..... 31
- Мўмин ва мўминалар ўртасидаги дўстлик ҳамда вожибни адо этиш тушунчаси 37
- Феминизм ва гомосексуализм маданиятининг тарқалишида халқаро ва ноҳукумат ташкилотларнинг роли 47
- **Олам муслмонлари хабарлари**..... 65
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 72
- **Жаннат боғлари:** Қуръоннинг фазилатлари ҳақида (2) 77
- **Сўнги сўз:** «Хасбара» тизими... (Исроил)нинг фаластинликларга қарши қора ташвиқоти шундай ишлайди 82
- Ғазо уруши Туркиядаги сайловларга қандай таъсир кўрсатди? 84



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ҒАЗО УРУШИ ҲАМДА УНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Устоз Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Муҳим халқаро ва минтақавий ҳодисалар – хоҳ ҳарбий, хоҳ иқтисодий, хоҳ фикрий-мабдаий бўлсин – албатта халқаро ва минтақавий майдонда кўплаб асоратларни қолдириб, қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради ҳамда уларнинг оқибатлари ўша минтақа ҳудудигагина чекланиб қолмайди. Мисол учун, собиқ Совет Иттифоқининг мабдаий жиҳатдан қулаши халқаро ва минтақавий муносабатларга жуда катта таъсир қилди ва у бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Ғарбнинг Ироқ ва Афғонистонга қарши олиб борган уруши ҳам халқаро тизимга ва мусулмон юртларидаги минтақа давлатлари тизимига сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан улкан таъсирини кўрсатди. Ўтган аср бошларида ва сўнгги ўн йилликларда айрим исломий юртларда содир бўлган қўзғолонлар ҳам халқлар сақофатига, йирик давлатларнинг минтақа учун ишлаб чиққан сиёсатига ва келажак дастурларига катта таъсир кўрсатди. Худди шундай, бугунги кунда Ғазода бўлаётган уруш ҳам ўзидан катта асоратлар қолдирди. Бу асоратлар кейинчалик халқаро ва минтақавий муносабатларда, «Яқин Шарқ минтақаси» деб аталмиш тизимда ўзини кўрсатади. Гарчи, бу уруш ҳали тугамаган ҳамда Америка ва унинг минтақа давлатларидаги малайлари томонидан белгиланган мақсадлар сифатида бу урушнинг сиёсий ва ҳарбий ниҳоялари ҳали белгиланмаган бўлса ҳам.

Ғазога қилинган бу тажовузкор уруш, шубҳасиз, бутун минтақани ўз домига тортаётган улкан ўзгаришлардан биридир. Унинг муҳимлиги мусулмон юртларидаги қўзғолонлардан, Ироқ ва Афғонистонга қилинган урушдан, Болқон уруши, Украинага қилинган ҳужум каби дунёнинг турли ҳудудларида юз бераётган урушлардан кам эмасдир.

Ҳазо урушининг халқаро ва минтақавий муносабатларга яққол таъсири жуда кўп бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз:

1 – Ҳарбнинг барча қадриятлари даҳшатли суратда қулади, ҳатто Ҳарб қадриятларини қабул қилган ва уларни ҳимоя қилаётган ташкилотлар ҳам йиқилди, айниқса, инсон ҳуқуқлари, демократия ва эркинликлар билан боғлиқ ташкилотлар. Чунки Ҳазога қилинган уруш АҚШ етакчилигидаги Ҳарбнинг тўқима ва сохта иддаоларини очиб ташлади. Зотан, Ҳарб заиф, қуролсиз халққа қарши босқинчи яҳудийларни қўллаб-қувватламоқда. Айни пайтда, уни қирғин қилиш ва вайрон этиб, харобага айлантириш учун керакли барча қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминламоқда. Бу босқинчи яҳудийларни БМТ ва Хавфсизлик Кенгаши каби ўзининг халқаро муассасаларида қўллаб, Ҳазо аҳлининг имкониятлари ва ерлари ҳисобига ноҳақ сиёсат ишлаб чиқиш билан уларнинг Ҳазо бойликларига бўлган очкўзликларини қондиришга уринмоқда. Чунки бу Ҳарбнинг мустамлакачилик лойиҳасига хизмат қилади. Урушнинг аввалида Қўшма Штатлар президенти Жо Байден «Биз Исроил ва бутун дунёдаги ҳамкорларимиз билан ишлашда давом этамиз ва Исроилни ўз фуқаролари ва шаҳарларини ҳимоя қилиши ва ҳужумларга жавоб қайтариши учун барча зарур воситалар билан таъминлаймиз», деди. Франция Коммунистик партиясининг бош котиби Фабыен Руссел эса, «Radio Orient I»га берган интервьюсида бундай деди: «Биз бир томондаги қурбонларни кўриб, додлаб, уларни қоралаймиз, аммо иккинчи томон (Ҳазо)даги ўлганларни кўрмаймиз. Бу қадриятларимизни ҳимоя қилишдаги зиддият бўлиб, саволларни келтириб чиқармоқда. Ёшларни, айниқса келаси авлодни айни қадриятларга эътиборсиз қарашга ўргатмоқда». «Қудсул Арабий» газетасининг 2023 йил 23 октябр кунги сонидида «Ҳарб инсонпарварлигининг ёлғонлиги ва замонавий демократик қадриятларнинг қулаши» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда қуйидагилар таъкидланади: «Россиянинг Украина ерларини босиб олиши халқаро оммавий ҳуқуқ нормаларига кўра жиноят ҳисобланган фалокатдир. Бу жиноят эскирган дея эътиборсиз қолдирилмайди ҳамда босқинчига нисбатан қаттиқ санкциялар қўллашни ва Украина халқига ёрдам кўрсатишни

талаб қилади. Чунки улар ҳужумдан ва қирғинбарот қуроллардан азият чекмоқдалар. Мана шу Ғарбнинг ўзи 1967 йилдан бери Фаластин ерларини босиб олиб келаётган «Исроил» билан мурасасозлик қилмоқда. Аммо босқинчи зулми остидаги халққа ёрдам бермаяпти, босқинчига санкциялар қўлламаяпти, Ғазо урушида истаганича жиноят қилаётган босқинчини жавобгарликка тортмаяпти!!».

2 – Американинг Ғазога қарши урушни тўхтатиш бўйича БМТ ва Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларига қарши овоз берганидан кейин глобал муассасаларда халқаро зиддиятнинг пайдо бўлиши: Бу зиддият узоқ йиллардан бери биринчи марта 2024 йили 22 март куни Россия ва Хитойнинг Хавфсизлик кенгаши қарорига қарши чиқиши билан юзага келди. 2024 йил 22 мартда нашр қилинган БМТнинг расмий веб-сайтида «Россия билан Хитой вето ҳуқуқидан фойдаланганларидан сўнг БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ғазода ўт очишни тўхтатиш муқаррарлигини тасдиқловчи АҚШ резолюцияси лойиҳасини қабул қила олмади», дейилади. Ички ва ташқи босимлар натижасида Америка ҳам Ғазога қарши уруш бошланганидан бери биринчи марта 2024 йил 26 март куни Хавфсизлик Кенгашида қабул қилинган халқаро резолюция вотумида бетараф қолди. Резолюцияда ўт очишни тўхтатиш ва гаровдагиларни озод этишга чақирилган эди. Шу билан бирга, унда 2023 йил 7 октябрга оид мавзуда Ҳамасни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи тилга олинмаган.

3 – Ислом ақидасига таянган фикрларнинг мусулмон юртларидаги халқлар муносабатларига таъсири. Бу ҳолат Ғазо аҳлини қўллаб-қувватловчи халқ ҳаракатида ҳамда уларнинг Фаластинни озод этиш ва Ғазо аҳлига нусрат бериш учун жиҳод дарвозалари очилишини талаб қилишларида яққол намоён бўлди. Иордания, Яман, Ироқ, Шимолий Африка ва аксар мусулмон юртларида содир бўлган воқеалар Ғазо аҳлини қўллаб-қувватлашда мусулмонлар битта Умматдир деган тушунчага келишда катта фикрий таъсир кўрсатди. Бу ишлар яқин кунларда масалан, Ғазо аҳлига ёрдам бериш ва бу ёрдам йўлига тўғоноқ бўлаётганларни супуриб ташлаш каби натижаларни албатта келтириб чиқаради. «The Economist» журналида 2023 йил 2 декабрда қуйидагилар таъкидланди:

«Ғазо уруши Яқин Шарқда бўлаётган диний қўзғолонга таъсир қилди ва фаластинликларга қарши уруш асносида диний ва маданий хитоблар шу даражада кучайдики, буни «Исроил» раҳбарлари ҳам, Ғарб ҳукуматлари ҳам халқдан яшира олмадилар. Бу уруш сиёсий киши билан диний киши ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлади. Шу ўринда таъкидлаш лозим бўлган бир нуқта бор. Гап шундаки, сўров натижаларига кўра, диндорлиги ортиб бораётган ёш авлодлар сиёсатга биз ҳеч қачон кўрмаган янгича ёндашувлар орқали киришга муваффақ бўлмоқдалар».

4 – Ғазо уруши Американинг ички низосига, сиёсий раҳбарият ва кенг жамоатчилигига бир неча жиҳатдан таъсир кўрсатди, жумладан, у ердаги икки йирик партия ўртасида давом этаётган сиёсий можаро ва жанжалларни, шунингдек, конгресс аъзолари ўртасидаги курашларни кучайтирди. Масалан, америкалик журналист Крис Хежес 2023 йил 10 ноябрда бундай деди: «Вашингтон Исроилнинг Ғазога қилаётган уруши оқибатларидан қўрқяпти. АҚШ маъмурияти Исроилга таъсир ўтказиш ва уни тўхтатишга қодир эмас. Чунки Қўшма Штатларда Исроил лоббиси кучли. Ғазодаги уруш вақтини чўзиш Қўшма Штатларга минтақавий ва маҳаллий жиҳатдан зарар келтиради». АҚШ Демократлар партияси аъзоси сиёсий таҳлилчи Маҳдий Афибий «Sky News Arabia» веб-сайтига берган интервьюсида «Исроилнинг Ғазога қарши олиб бораётган уруши АҚШга сиёсий, иқтисодий ва оммавий даражада катта юк бўлди», деди.

5 – Умуман минтақанинг шаклланиши, хусусан, Фаластин ичидаги кураш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Ғазо урушидан кейинги давр учун сиёсий ечимларни ишлаб чиқиш. 2024 йил 23 март куни Блинкен Қоҳирада бир нечта араб давлатлари вазирлари билан учрашган сафари ниҳоясида мисрлик ҳамкасби Сомиҳ Шукрий билан биргаликда берган матбуот анжуманида «Биз узоқ муддатли тинчлик ва хавфсизлик заруратига келишиб олдик», деди. Блинкеннинг сўзларига кўра, бу ўз навбатида «Фаластин маъмуриятида ҳақиқий ислоҳот олиб боришни ҳамда Исроил қўшнилари билан муносабатларни нормаллаштиришни талаб қилади». Унинг фикрича, минтақавий интеграция

барқарор тинчлик ва барқарор хавфсизликни таъминлашнинг асосий таянчларидан биридир.

6 – Яҳудий вужуди ва минтақавий тизимга оид келажакдаги ҳар қандай ечимларга Эронни шерик қилиш учун унинг таъсирини дебоча сифатида жорий қилиш. Зотан, бу масалада бошқа дебочалар ҳам бор. Жумладан, Саудиянинг Эрон билан яқинлашиши, Эроннинг яҳудий вужудига яқинда қилган таҳдидлари, Эроннинг Сурия режимини ағдаришдан сақлаб қолишга аралашиши, Эроннинг Ғазода Ҳамас ҳаракати билан Исломий Жиҳодни қўллаб-қувватлаши каби. Эрон ишларига ихтисослашган Яқин Шарқ тадқиқотлар маркази томонидан чоп этилган тадқиқотда бундай дейилади: «Эрон қаршилик меҳвари бир тарафдан Яман, Ироқ, Сурия ва Ливандаги ички низоларда иштирок этаётган қуролли шиа жангариларини ўз ичига олса, яна бир тарафдан, Сурия режими билан иттифоқчи бўлиб, айти давлатлардаги сиёсий қарорларга ўз таъсирини ўтказди. У, шунингдек, Фаластиннинг Ҳамас ва Исломий Жиҳод ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиб, ўз номи ва қонунийлигини уларни қўллаб-қувватлашдан олади»... «Эрон Араб пойтахтларидан тўрттасини назорат қилади. Бу ҳақда аввалроқ эронлик раҳбарларнинг ўзлари маълум қилган. Унинг нуфузи ўз манфаатларига мос равишда айти пойтахтлардаги сиёсий қарорларни назорат қилишга ва ҳатто бу сиёсий нуфузни йирик давлатлар билан минтақадаги бошқа ютуқларга айирбошлашга имкон беради. Мисол учун, 2018 йилда Ғарб билан Эроннинг ядровий дастури масаласида музокаралар қийинлашган пайтда, Эрон ўзининг ядровий масаласида муроасага кела олмаслигини, аммо Яман бўйича музокара олиб бориши мумкинлигини эълон қилган».

7 – Ғазо уруши таъсирларидан яна бири, Яқин Шарқ минтақаси келажакдаги ва бу минтақадаги яҳудий вужудининг мавқеи нисбатан қарашда АҚШ ҳукумати билан яҳудий ҳукумати ўртасида келишмовчиликлар авж олиши. Дарҳақиқат, 2024 йил 9 апрелда АҚШ раҳбари Байден испан тилидаги «Univision» тармоғига берган интервьюсида «Нетаняху Ғазо урушини қандай бошқариши мумкин?», деган саволга; «Мен унинг қилаётган ишини нотўғри деб биламан, бу ишга ёндашувига қўшилмайман», деб жавоб берди. Интервью чоғида

«Ўтган ҳафта қароргоҳи Қўшма Штатларда жойлашган хайрия ташкилотининг етти нафар ишчиси Ғазодаги Исроил рейдларида ўлдирилди, бу жуда даҳшат», деди. Яна қўшимча қилди: «Шунинг учун мен чақираётган нарса шуки, ўт очишни тўхтатишни ва келаси олти-саккиз ой ичида мамлакатга барча озиқ-овқат ва дори-дармоннинг киришига рухсат берилишини исроилликларнинг ўзлари талаб қилишлари керак». Байденнинг бу баёнотига жавобан яҳудийлар бош вазири қуйидаги баёнотни берди: «Президент Байден нимани назарда тутаётганини билмадим, аммо агар у менинг кўпчиликка қарши, кўпчилик исроилликларнинг хоҳишига зид сиёсат олиб боряпти, бу Исроил манфаатларига зиён етказди, деган нарсани назарда тутаётган бўлса, ҳар икки ҳолатда ҳам хато қилади».

8 – Ғазога қилинган уруш Украина уруши каби глобал халқаро уруш ва можароларга таъсир қилди. Бу можаро Трампнинг Ғазога молиявий ёрдам кўрсатишга чақириши масаласида янада авж олди. Натижада Байден айти ёрдамнинг Украинага, Ғазога, Тайванга ва Мексика билан бўлган чегара масаласига бўлинадиган ёрдам билан баробар бўлишини шарт қилди. Россиянинг «Известия» газетасининг 2023 йил 23 октябр кунги сонида журналист Богдан Львовский «Ғарб матбуоти Украина воқеаларини кузатишни қисқартирди», деди. Унинг таъкидлашича, «Яқин Шарқ воқеалари бошлангандан кейин Украина молиявий ёрдамлар олишда қийинчиликларга учради». Буни Львовский Украина молия вазири Сергей Марченконинг «Украина молиявий ёрдам олишида қийинчиликларга учрамоқда. Чунки уруш Ғарб давлатларини чарчатди, ҳатто ёрдам беришни унутадиган даражада ҳолдан тойдирди», деган сўзлари билан изоҳлади.

9 – Ғазо уруши таъсирларидан яна бири, уруш Америка ва унга ёрдам бераётган давлатларнинг обрўсини тўқди ва бундан Россия билан Хитой халқаро муассасаларни ўзгартиришга ва уларнинг қонунларини қайта тузишга даъват қилишда фойдаланишди. 2023 йил 16 декабрда британиялик журналист Питер Оборн ўзининг «Middle East Eye» веб-сайтида чоп этилган мақоласида бундай деди: «Ғазо халқаро сиёсатни ўзгартириб юборди. Иддао қилинган (АҚШ, Европа Иттифоқи ва Британия иддао қилган) либерал демократия «Исроил» бош

вазири Биньямин Нетаняхуга мутлақ эркинлик бериш билан либерал дунё тартибини обрўсизлантирди».

10 – **Дунё халқлари олдида малай режимлар башарасининг яққол фош этилиши.** Араб тадқиқот ва изланиш марказининг 2023 йил 12 декабрда ўтказган сўрови натижасида бундай дейилади: «Араб кўчаларида ўтказилган сўровга кўра, босқинчиларни ғазо секторидаги тажовузларга янада ундаган нарса, бу араб ҳукуматларининг салбийлиги ва уларнинг яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришгани бўлган». «Роъюл явм» газетасининг 2024 йил 29 январда нашр қилинган мақоласида «Ғазога қилинаётган тажовуз араб режимлари ва етакчиларининг айб-авратини очиб ташлади. Чунки улардан баъзилари қаршилиқ ҳаракатининг мағлуб бўлишини, босқинчининг ғалаба қозонишини орзу қилишди, фақат тилларида ғазо қирғинини қоралаган бўлишди», дейилади. Мақолага ҳам «Ғазога қилинган тажовуз араб режимлари айб-авратини очиб ташлади» деган сарлавҳа қўйилган.

Шубҳасиз, Америка бошчилигидаги кофир давлатлар ғазо урушини ўзлари режалаштирган ва келиб чиқишига ёрдам берган аввалги бошқа уруш ва ҳодисалар каби бўлишини истаяпти, масалан, Босния уруши, Болқон уруши, Озарбайжон урушлари, бугунги кунда бўлаётган Украина уруши ёки ўзлари келтириб чиқарган ёки келиб чиқишига ёрдам берган бошқа урушлар каби. Америка ғазо уруши минтақа сиёсатини АҚШ тасаввури бўйича шакллантиришини ва бу Яқин Шарқдаги ўзининг сиёсий кун тартибига мувофиқ бўлишини истаяпти. Мақсади, ғазо урушидан кейин сиёсий барқарорликни пайдо қилиб, араб-яҳудий можаросига нуқта қўйиш учун икки давлат ечими деган нарсани жорий қилишдир. У шунингдек, айна барқарорликни кенгайтириш учун минтақадаги барча давлатларнинг яҳудий вужуди билан муносабатларни тўлиқ нормаллаштиришини ҳам истаяпти. Бундан ташқари, бу ва бошқа урушлардан Хитойнинг «Ипак йўли» каби ҳар қандай иқтисодий аралашувини тўхтатиш учун минтақанинг сиёсий тизимини шакллантиришни ҳам мақсад қилган. Маълумки, «Ипак йўли»ни Хитой айрим тадқиқотлар ва «G20» саммити каби иқтисодий саммитлар орқали тиқиштиришга ҳаракат қилмоқда.

Кофир давлатлар режалаштираётган ва воқеликда рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаётган ишлар мана шулар. Аммо ишлар ҳар доим ҳам Америка ва бошқа давлатлар истагандек бўлавермайди. Чунки Ислом Уммати тирикдир. У келгусида Аллоҳнинг изни ила албатта рўёбга чиқажак буюк ишлар учун пойдевор бўлган буюк ишларни амалга оширди. Айтганимиздек, сиёсатлар натижалари ҳамиша кофирлар қарашлари ва истаклари бўйича кетавермайди. Дунёдаги Америка бошлаган урушлар шундай катта иқтисодий кризисларни яратдики, Американинг иқтисодий аҳволини ларзага солмоқда ва у кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Украина уруши Россия учун янги воқелик яратди, бу воқеликда у Америкага қарши турадиган ва унга қарши Хитой билан иттифоқлар тузадиган бўлди. Ҳозодаги бу шафқатсиз ёвуз уруш Аллоҳ Азза ва Жалланинг изни ила келажакдаги воқеалар учун пойдеворни пайдо қилди. У огоҳлик ва онгни пайдо қилиш учун илгари содир бўлган ва Уммат майдонида ҳамон содир бўлаётган ҳодисаларга қўшимча бўлди. У, шунингдек, ҳукмдорлардаги қолган-қутган сохта ҳужжатларни ҳам, қаршилик кўрсатиш ҳаракати каби Ислом шиорлари ортига яширинган баъзи давлатларни ҳам фош қилмоқда.

Ислом Уммати, шубҳасиз, жуда оғир азоб-уқубатларга дуч келди. Лекин буларнинг барчасига сабр қилиб, самарасини йиғиб олиш палласида турибди. Ҳозирда ёвуз дунё мафкураси ҳам, унинг давлатлари ҳам, сиёсий тизимлари ҳам барчаси фош бўлди. Халқлар олдида фақат бир йўл қолди ва бу унинг куч-қудрати, улуғлиги ва иззат-шарафи қайта тикланадиган, қони ва номуси ҳимояланадиган, моли ва муқаддас нарсалари сақланадиган йўлдир. Ушбу каломнинг Соҳиби нақадар ҳақ сўз сўзлади:

﴿أَفَمَنْ أَسَّسَ بُيُوتَهُ عَلَى تَقْوَىٰ مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٍ خَيْرٍ أَمْ مَنْ أَسَّسَ بُيُوتَهُ عَلَىٰ شِقَا جُرْفٍ

هَارٍ فَأَنْهَارَ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

«Бас, бу биноларини Аллоҳдан қўрқиш ва Унинг ризолиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулаган кимсани?! Аллоҳ бундай зolim қавми ҳидоят қилмас»

[Тавба 109] □

АНТИСЕМИТИЗМ ВА УНИНГ ФАЛАСТИН МАСАЛАСИГА АЛОҚАСИ (1) Юсуф Сорисий – муборак Фаластин замини

1 – Муқаддима:

2023 йил 7 октябрда юз берган воқеадан кейин бир қанча Европа давлатлари, жумладан Германия, Британия ва Франция Ғазо аҳлини қўллаб-қувватлаган ёки «Ақсо тўфони»ни олқишлаган ҳар қандай намойишларни тақиқлади. Германия пойтахти Берлин полицияси 11 октябрда Фаластинни қўллаб-қувватловчи намойишларга чиқишни тақиқлади. Германия ички ишлар вазирлиги 15 октябрда Ҳамасни қўллаб-қувватловчиларнинг Германиядан ҳайдаб чиқарилишини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ҳукмрон коалиция таркибидаги Социал демократик партия раҳбари шундай деди: «Биз ҳозирги пайтда фуқаролик тўғрисидаги қонунни ислоҳ қилиш жараёнидамиз. Фуқароликка қабул қилиш мамлакатимиз олдидаги мажбуриятдир. Ким бизнинг қадриятларимизга шерик бўлмаса, антисемитизм ва терроризмни қўллаб-қувватласа, Германия паспортдан маҳрум бўлади».

Шунингдек, 10 октябр куни ички ишлар вазирлиги «антисемитизмга тоқат қилиб бўлмайди» дея баёнот берди. У баёнотда «Афсуски, биз сўнгги йилларда Яқин Шарқдаги воқеалар Британиядаги яҳудий жамоаларига нисбатан нафратни қўзғатиш учун баҳона сифатида фойдаланилаётганига гувоҳ бўлдик» дея қўшимча қилди. Британия 2024 йил 19 январда Ҳизб ут-Таҳрирни икки сабабга кўра, яъни Ҳамас амалга оширган 7 октябр воқеаларини қўллаб-қувватлагани ва антисемитлиги учун тақиқлашга қарор қилди.

Франция ички ишлар вазири 12 октябр куни «фаластинликларни қўллаб-қувватловчи намойишлар»ни тақиқлашга қарор қилди. У ўзининг француз матбуотида берган интервьюсида айтишича, шанба куни Ҳамас томонидан (Исроил)га қарши уюштирилган ҳужумдан кейин Францияда 100дан ортиқ «антисемитистик ҳаракатлар» қайд этилган. Европа Иттифоқи 9 октябрда ривожланиш бўйича фаластинликларга бериб келаётган барча ёрдамларини тўхтатди ва барча жорий программаларни қайта кўриб чиқишга ҳамда 2023 йилги барча лойиҳалар бюджетларини янги кўрсатмалар чиқарилгунга қадар кечиктиришга қарор қилди.

Германия ва Австрия ҳам Ғазага қарши давом этаётган (Исроил) агрессияси фонида Фаластинга ёрдам беришни тўхтатди.

Жанубий Африка 2024 йил 1 ноябрда Халқаро судга мурожаат қилиб, яҳудий вужуди Ғаза аҳлига қарши геноцидда айбланганидан кейин, бу вужуд Халқаро судни антисемитизмда айблади.

Шундай қилиб, яҳудийлар Ғазага қарши уруш олиб борар экан, яҳудий вужудининг ўзи ва Европа давлатлари шу разил вужудни қўллаб-қувватлаш учун ҳамда Ғаза аҳлини қўллаб-қувватловчи ҳар қандай намоишларни олдини олиш учун «антисемитизм»дан фойдаланмоқда. Антисемитизм ўзи нима? Нега бу давлатлар яҳудий вужудини танқид қилганларга қарши уни кўтармоқда?!

2 – Яҳудийларнинг Фаластиндаги тарихи

Саййидимиз Иброҳим  Ироқдан муборак заминга ҳижрат қилган. Ўша пайтда Фаластинда канъонийлар, амолиқалар, аморийлар ва бошқалар яшаган. Саййидимиз Иброҳим  наслдан Яъқуб  дунёга келди. Мана шу жойдан Бану Исроил ва ўн икки қабила ёки яҳудийлар пайдо бўлди. Қуръони Каримда келганидек, Бану Исроил Аллоҳнинг пайғамбари Юсуф  нинг даъвати билан Мисрга ҳижрат қилган.

Уларнинг тарихчиларига кўра, Бану Исроил Мисрда қарийб 430 йил турди. Сўнг Фиръавн ва унинг аскарлари чўктирилганидан кейин саййидимиз Мусо  уларни Мисрдан Байтул Мақдис томонга олиб чиқди. Улар саййидимиз Мусо  билан бирга жангга чиқишмагач Аллоҳ уларга қирқ йил мобайнида муқаддас ерни ҳаром қилди. Улар милоддан аввалги 1450 йилларда Юшаъ ибн Нун билан бирга у ерга киргунларига қадар ер юзида сарсон-саргардон бўлиб юришди.

Яҳудий қабилалари ўзларининг ягона давлатлари бўлгани учун Фаластин аҳолиси билан ёнма-ён, қабилавий тартибда яшаганлар. Уларни қозилар ва диний раҳбарлар бошқарган. Сўнг милоддан аввалги X аср ўрталарида яҳудий қабилалар саййидимиз Довуд  қўлида ягона марказий ҳокимият остида бирлаштирилган. Довуд  дан кейин унинг ўғли Сулаймон  ҳукмронлик қилди. Бу яҳудий мамлакатнинг пойтахти дастлаб

Халил шаҳри бўлди. Сўнг Сулаймон  биринчи ибодатxonани қургач пойтахт Қуддусга кўчди.

Сулаймон  нинг вафотидан кейин мамлакат шимолда пойтахти Наблус бўлган Исроил подшоҳлигига, жанубда пойтахти Қуддус бўлган Яҳузo подшоҳлигига бўлиниб кетди. Яҳудий подшоҳлиги ички низолар ва ташқи ҳужумлар таъсирига дучор бўлишидан олдин бир неча аср давом этди. Бу эса, охир-оқибат унинг оссурияликлар ва бобилликлар томонидан қулатилишига олиб келди.

Милоддан аввалги 590 йилда яҳудийлар форсларга қарши қўзғолон қилишди. Чунки подшоҳ Набухаз Наср милоддан аввалги 586 йилда Яҳузo подшоҳлигига бостириб кириб, Қуддусни эгаллаб олди ва иккинчи ибодатxonани вайрон қилди. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги асирга олиниб, Бобилга олиб кетилди ва бу давр Бобил асирлиги деб номланиб қолди. Тахминан 50 йил ўтгач, форс шоҳи Кир (Күруш) милоддан аввалги 516 йилда баъзи яҳудийларнинг Қуддус ерига қайтишига рухсат берди.

Яҳудийларнинг Фаластинда мавжудлиги форслар ҳукмронлиги остида милоддан аввалги 332 йил Искандар Зул Қарнайн давригача давом этди. Уларнинг подшоҳлиги Юнонистон империясининг бир қисмига айланди. Салавкийлар ҳукмронлиги даврида уларнинг маданиятини мажбуран жорий қилиш уринишлари бўлди. Бу эса яҳудийлар қўзғолонларининг бошланишига олиб келди. Сўнг милоддан аввалги 63 йилда Рим генерали Помпей Фаластинга ҳужум қилиб, Қуддусга киргач, Салавкийлар ҳукмронлиги якунига етди. Кейин римликлар Фаластин бошқарувини подшоҳ Буюк Иродга берди. У римлик яҳудий мансабдор бўлиб, Қуддусдаги иккинчи ибодатxonани янгидан таъмирлади.

Яҳудийлар шу даврдан бошлаб, то саййидимиз Исо  юборилгунига қадар Қуддусда яшашди. Улар Исо  ни хочга михлашга ҳаракат қилишди. Шунда Аллоҳ уни Ўз ҳузурига кўтарди. Сўнг милодий 66 ва 73 йиллар оралиғида Рим ҳукмронлигига қарши биринчи яҳудий қўзғолони бошланди. Қўзғолоннинг энг юқори нуқтаси «Масъада» шаҳрининг қамал қилиниши бўлди. Милодий 70 йилда римликлар Қуддусдаги иккинчи ибодатxonани вайрон этишди. Қўзғолон мағлубиятга учрагач, римликлар яҳудийлар устидан қаттиққўл

ҳукмронликни ўрнатишди. Бу эса яҳудий жамиятининг парчаланишига ҳамда Рим империясида ва ундан ташқарида яҳудий диаспорасининг пайдо бўлишига олиб келди.

Яҳудий диаспоралари Ашкеназда, яъни Германияда ҳамда Севердонда, яъни Испанияда тўпланди. Ашкеназ яҳудийлари Германия, Польша, Россия ва Шарқий Европа давлатларида тарқалган яҳудий жамоасидир. Улар идиш (яҳудий) тилида гаплашишган. Сефарад яҳудийлари Испания, Португалия ва Шимолий Африкада тарқалган яҳудий жамоасидир. Ашкеназ яҳудийлари Европада биринчи жаҳон урушидан кейинги давргача қолишди. Британия босқинчилигидан ва Халифалик қулатилганидан кейин яҳудийларнинг Фаластинга кўчиши бошланди. Милодий 1492 йилда Андалус қулаганидан кейин Сефарад яҳудийлари Марокаш ва Туркияга қочиб боришган.

3 – Европа яҳудийлари семитларми?

Ашкеназ ва Сефарад яҳудий диаспоралари ўша пайтда семитлар ҳисобланган. Аммо икки минг йиллик узоқ вақт давомида яҳудийларнинг ақлий ва жисмоний ҳолати ўзгарди. Улар (семитлик) хусусиятларини йўқотишди ва бир қанча омиллар туфайли европаликка айланишди. Бу омиллардан энг муҳими уларнинг европаликлар билан турмуш қуришлари эди. Кўп сонли яҳудийлар ўз ихтиёри билан ёки насроний черковининг яҳудийларни таъқиб қилиши натижасида насронийликни қабул қилишди. Шунингдек, Европа аҳолисининг ҳам кўпчилиги яҳудий динига кирди.

Европа аҳолиси орасидан кўпчиликнинг яҳудийлашувига энг катта мисоллардан бири ҳазар яҳудийлари тарихидир. Ҳазар подшоҳлиги милодий VII асрда мустақил яҳудий давлати сифатида ташкил топиб, X асргача давом этди. У Қора денгиз шимолидан Каспий денгизигача бўлган ҳудудни қамраб олди. Ҳазарлар руслар томонидан ҳужумга учради. Кейин милодий 965 йилда Византия подшоҳи Фокас Ҳазарга қарши ҳарбий юриш қилиб, пойтахт Тамирни ўз назоратига олди. Руслар ва византияликлар томонидан уларнинг ерлари эгаллаб олинганидан кейин, ҳазар яҳудийларининг кўпчилиги Усманий давлатга ва Шарқий Европага кўчиб ўтди.

Шунинг учун Европа ва Россиядаги Ашкеназ яҳудийларининг кўпчилиги ҳазар яҳудийлари бўлиб, уларнинг семитларга ва Бану Исроилга алоқаси йўқ. Аксинча, улар яҳудийлашган

европаликлардир. Шунга кўра, антисемитизм атамаси ортида яширинган Европа яҳудийларининг аксарияти умуман семит эмас. Бу эса антисемитизм атамасининг одамларнинг этник гуруҳини ифодалаган атама эканлигини шубҳа остига қўяди.

4 – Яҳудийларга нисбатан диний душманлик ва антисемитизм тушунчасининг пайдо бўлиши

Антисемитизм ёки яҳудийларга душманлик тушунчаси, хусусан, турли сабабларга кўра Европада пайдо бўлди. Ўрта асрларда Европа жамиятларининг яҳудийларга нисбатан камситиш ва таъқиб қилиш ҳақидаги қарашларни шакллантиришда насроний дини катта рол ўйнади. Масалан, насронийлар яҳудийларни Исо ﷺни қатл этишда айблашди. Яҳудийлар ҳақида диний маросимларида гўдаклар қонини ичади, деган тўхматлар каби жуда кўп салбий миш-мишлар тарқатишди. Бу ва бошқа омиллар яҳудийларга қарши муҳитни пайдо қилди ва аста-секин антисемитизм тушунчасини шакллантирди.

Ўз навбатида, Европа яҳудийлари гетто деб номланган алоҳида ҳудудларда яшашди. Гетто ўзлари яшаган жамиятларда ғаразгўйликка, дискриминация ва душманликка учраган яҳудийларга жорий қилинган ижтимоий ва иқтисодий изоляцияни ифодалар эди.

Европада капиталистик мабданинг пайдо бўлиши, ушбу мабда асоси сифатида динни ҳаётдан ажратиш ақидасининг қабул қилиниши ва миллий давлатларнинг пайдо бўлиши билан европаликларнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари ўзгарди. Аммо Европада яҳудийларга бўлган нафрат йўқолмади, аксинча, у диний нафратдан семитларга (яъни, Европадаги яҳудийларга) нисбатан этник ва миллий нафратга айланди. Бундан антисемитизм атамаси пайдо бўлди.

«Антисемитизм» атамасининг қўлланиши немис журналисти ва тарихчиси Вильгельм Маррга тегишли. У бу атамани 1879 йилда илк бор ўзининг «Германизмнинг яҳудийлик устидан ғалабаси сари йўл» номли китобида қўллади. Аммо бу атаманинг кенг тарқалиши XX асрда ирқчилик ва ижтимоий дарвинизм ғоялари пайдо бўлганидан кейин бўлди. Яҳудийлик энциклопедиясида «антисемитизм»га берилган таърифда айтилишича, бу атама яҳудийларга қарши ҳар қандай уюшган ҳаракатга ёки яҳудийларга нисбатан душманликнинг бошқа

шаклларига ишора қилиш учун қўлланади. Шунинг учун бу атама умуман семитларга эмас, балки яҳудийликни тан олган ёки яҳудий аждодларга бориб тақалган одамларга қаратилган душманликни англатади. Чунки европаликлар бу атамани яҳудийларга хослашган. Шунинг учун у Европага хос атамадир.

Европада яҳудийларга нисбатан душманликнинг мисоли 1881 йилдан 1920 йилгача содир бўлган воқеалардир. Ўша пайтда Шарқий Европанинг аксар қисмида, айниқса, Россияда ҳукм сурган оғир иқтисодий вазиятдан ва қирғинлардан қочиб, тахминан 3 миллион Ашкеназ яҳудийлари Шарқий Европадан Америкага кўчиб ўтди.

5 – Ижтимоий дарвинизм ҳамда унинг ирқчилик ва миллатчиликнинг пайдо бўлишига таъсири

Европада капиталистик мабда пайдо бўлганда бу мабда жамиятларнинг ҳаракатланиши ва тарихнинг юриши аслида барқарорликка эмас, балки доимий тараққий этиш-эволюцияга боғлиқ деган фикрни қабул қилган. Ғарбнинг бу ғояси Дарвин келгунига қадар ҳеч қандай қўллов топмади. Дарвин келиб ҳайвонот оламидаги эволюция назариясини тарқатди. Капиталистлар бу назарияни ҳаёт ҳақидаги фикрларининг илмий асоси сифатида қабул қилишди ҳамда уни диндаги йўқдан бор қилиш тушунчасига зид ғоя сифатида тарқатишди.

Ёвуз дарвинизм назариясидан ундан ҳам ёвузроқ ижтимоий дарвинизм пайдо бўлди ва ундан яна бошқа ёвузлик, яъни мустамлакачилик келиб чиқди.

Ижтимоий (социал) дарвинизм – Дарвиннинг эволюция назариясини шахс билан шахс ўртасидаги, халқлар билан турли маданиятлар ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий тафовутларни тушунтириш ва асослаш учун ишлатишдир. XIX асрда ирқчилик ғояларининг кучайишида ижтимоий дарвинизмнинг таъсири кучли бўлди. Чунки айрим муфаккирлар Дарвин назариясини инсоний жамиятга татбиқ этишди. Натижада, баъзи ирқлар ва этник гуруҳлар бошқаларга қараганда яхшироқ ва ривожланган деб ҳисобланди. Шундай қилиб, у ирқчилик ва ирқий камситиш учун асос яратди. Ижтимоий фан, сиёсат ва иқтисод каби кўплаб соҳаларга бу назариянинг таъсири кучли бўлди.

Дарвин назариясидаги табиий эволюция принципларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий эволюцияни тушуниш учун махсус тушунтиришлар берган ва XX асрда «ижтимоий

дарвинизм»га чақирган энг машҳур файласуф ва мутафаккирлар орасида Британиядаги Герберт Спенсер (1820-1903) ва Фрэнсис Гальтон, Франциядаги Эдуард Бернтин (1838-1907) бор.

6 – Яҳудийлар ва сионизм

Сионизм XIX аср охирларида яҳудийларнинг сиёсий ҳаракати сифатида Европада пайдо бўлди. Сионистларнинг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири Теодор Герцль бўлиб, у 1896 йилда «Яҳудий давлати» номли китобни нашр қилди. У ўз китобида яҳудий халқининг ўз миллий ватанига эга бўлиши зарурлигини ифода этиб, мустақил яҳудий давлатини барпо этишга чақирди. Сионизм ҳаракати 1897 йилда Швейцариянинг Базель шаҳрида ўзининг биринчи конгрессини ўтказди ва Герцль Жаҳон сионистик ташкилоти раҳбари этиб сайланди. Асосий мақсад сионистларнинг Фаластинда яҳудий халқи учун миллий ватан барпо этишга қаратилган сионистик саъй-ҳаракатларини бирлаштириш эди.

Герцль Усмоний давлат ва Абдулҳамид иккинчи роҳимаҳуллоҳ билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. Унинг мақсади Фаластинда яҳудийлар учун Усмоний давлат ҳукмронлиги остидаги давлатни барпо этишда ёки уларга Фаластинда аҳоли пунктларини барпо этиш рухсати берилишида унинг ёрдамига эришиш эди. Лекин улар султон Абдулҳамид иккинчи роҳимаҳуллоҳ томонидан мутлақ рад этилди. Шунинг учун уларнинг уринишлари муваффақиятсизликка учради.

Сионистик ҳаракатнинг пайдо бўлишига Европадаги ватанпарварлик ва миллатчилик ҳаракатлари сабаб бўлди. Чунки халқлар ўзларининг мустақил миллий манфаатларини намоиш қила бошлаган эди. Шу боис, сионистлар ҳам, ўзлари даъво қилганидек, уларнинг тарихий замини ва ватани Фаластинда яҳудий давлатини барпо этиш орқали яҳудий халқининг ўзига хос миллий бирлигига эришмоқчи бўлди. Герцль яҳудий муаммосига ижтимоий ёки диний муаммо деб эмас, балки ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, миллий муаммо деб қаради. У йирик кучлардан антисемитизмдан халос бўлишда яҳудийларга ёрдам беришларини умид қилган. Бунинг учун бир давлат тузилиб, яҳудийлар шу давлатга кўчирилиши керак бўлади. Натижада, Европа давлатлари яҳудий

сарқитидан қутилади ва шунинг билан антисемитизм кўриниши ҳам барҳам топади.

Сионизм диний ҳаракат эмас, балки у Европага оид илмоний ҳаракатдир. У яҳудийлар учун диний тоифа сифатида эмас, балки халқ сифатида миллий ватан барпо этишга ҳаракат қилади.

Сионизм яҳудийларнинг миллий ўзлигини яратишга ҳаракат қилди. У иудаизмни диний ғоядан миллий ғояга, бошқа Европа халқлари каби ўзининг мустақил миллий давлатига эга бўлган яҳудий халқига айлантирди.

Бошида дунё яҳудийларининг аксарияти сионизмнинг Фаластинда яҳудийлар учун давлат барпо этиш тўғрисидаги мақсадларини қўллаб-қувватлашмади. Баъзи ортодокс яҳудийлар сионизмни диний анъаналарга қарши ва уларга хос диний йўналишларга зид деб ҳисоблашди. Бошқа баъзилар ғарб жамиятларига интеграциялашиб, улар билан ҳамкорлик қилишни устувор вазифа деб билишди. Яна баъзилари араб ва исломий муҳитда яҳудий давлатининг барпо этилиши ниҳоясиз низо ва урушларга олиб келишидан қўрқишди. Аммо 1948 йил Фаластинда улар учун давлат барпо этилганидан кейин сионизмни қўллаб-қувватлаш кучайди.

7 – Нацизм ва фашизм иккинчи жаҳон уруши ва Холокостга сабаб бўлди

Дарвиннинг эволюция назарияси ва ундан келиб чиққан жиной ижтимоий дарвинизм барча ирқчилик ва ирқий устунлик иллатлари учун генератор бўлди. У Германияда нацизм, Италияда фашизм ва шовинизм каби бир қатор ирқчи партияларни келтириб чиқарди. Нацизм ирқий устунлик ғоясини қўллаб-қувватлашда, шунингдек, ирқчилик сиёсатини, ирқий тозалаш ва геноцидни оқлашда ижтимоий дарвинизм ғоясидан фойдаланди. Нацизм немис халқини, яъни «арий ирқи»ни энг илғор ва устун инсон типи деб ҳисоблади. Улар бошқа башарий гуруҳларни кам ривожланган ва паст ирқлар деб ҳисоблашди.

Бошқа томондан, фашизм даврида (1922-1943) Италия ҳукумати раҳбари Муссолини шовинистик ва ирқчилик мафкурасини қабул қилди. У италян ирқини устунроқ деб ҳисоблади. У ирқчиликка асосланган қонуний ва ижтимоий чораларни кўрди. Италян бўлмаган жамоаларни Италия

томонидан аннексия қилинган ҳудудларга сиқиб чиқаришга уринди. Фашизм ва нацизмнинг кенгайиши ҳамда уларнинг тажовузкор сиёсати иккинчи жаҳон урушининг алангаланишига олиб келди ҳамда Италия ва Германия ўртасида кўприк пайдо қилди. Бу уруш 60 миллионга яқин одамнинг ўлимига олиб келди. Бу урушда душманларни геноцид қилишда оммавий қирғин қуроллари қўлланди.

Ушбу уруш пайтида «нацизм Холокост» деб номланган воқеа юз берди. Холокост юнон тилидан олинган сўз бўлиб, унинг сўзма-сўз маъноси «оловда қурбон қилиш» ёки оловда ёқиб, йўқ қилиш деган маънони англатади. Холокост атамаси иккинчи жаҳон уруши даврида Германия фашистлари ҳукумати томонидан амалга оширилган геноцидни ифодалаш учун ишлатилган. Унга кўплаб этник гуруҳлар, хусусан, яҳудийлар дучор бўлган. Яҳудийлар Европанинг турли бурчакларидан тўпланиб, Германиядаги депортация лагерлари, концлагерлар ва қирғин марказларига юборилган. Яҳудийлар улардан 6 миллион киши ўлдирилганини даъво қилишади. Холокост пайтида бошқа этник гуруҳлар, жумладан, фашистлар режимига душман бўлган коммунистлар, нацизмга қарши курашувчилар, румин (циган)лар ва советлар ўлдирилган. Миллионлаган жисмоний ва руҳий ногиронлар ҳамда баччавозлар қириб юборилган. Нацистлар 2 миллионга яқин славян полякларни ва бир неча миллион русларни ҳам ўлдиришган.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, сионистик ҳаракат Холокост жиноятларига сукут сақлаган. Чунки бу уларнинг Фаластинда яҳудийлар учун давлат барпо этиш ва у ерга яҳудийларни кўчириш ҳамда уларнинг масалаларига нисбатан халқаро хайрихоҳликни пайдо қилиш лойиҳалари фойдасига хизмат қиларди. □

**ЯХУДИЙ ВУЖУДИ БИЛАН КЎРФАЗ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШНИНГ ХАТАРЛАРИ
МУСУЛМОНЛАР БУНГА ҚАНДАЙ ҚАРШИ ТУРИШЛАРИ КЕРАК?**

Муҳаммад Рожиҳ – Яман

Британия бошчилигидаги кофир Ғарб Биринчи жаҳон урушидаги ғалабасидан ҳамда олдиндан тузилиб, Сайкс-Пико келишуви ва Бальфур декларациясига олиб келган режа асосида Усмоний Халифаликни қулатганидан унумли фойдаланди. Маълумки, Сайкс-Пико келишуви исломий юртларни элликдан ортиқ давлатчаларга бўлиб ташлаган бўлса, машъум Бальфур декларацияси исломий юртларнинг қоқ ўртасида яҳудий вужудини ўрнатди. Ғарб бундан шу нарсани кўзладики, у Ислом Умматига қарши мустамлакачилик салибчилик урушини олиб бориб, муслмонларнинг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликда гавдаланувчи ягона сиёсий вужудда бирлашишларини олдини олишга ҳаракат қилар экан, бу ишда яҳудий вужудини ўзининг биринчи линиядаги базасига айлантиришни ва шу орқали Умматнинг бирлашишига йўл қўймай, исломий юртларнинг шарқини ғарбидан ажратиб ташлашни хоҳлади.

Фаластин масаласи Ғарб наздида бошиданок мустамлакачилик масаласи бўлиб келган. У Ислом Умматининг юрагига санчилган заҳарли ханжардир. Бу масала шу пайтга қадар муслмонларни тинимсиз ҳолдан тойдириш ва уларни заифлаштириш омили бўлиб келди. У, шунингдек, муслмонларни Ислом асосидаги ҳақиқий уйғонишдан чалғитадиган ҳамда уларга тиқиштирилган бўлиниш унсурларини янада кучайтирадиган янги муаммодир.

Дарҳақиқат, Америка бошчилигидаги кофир Ғарб яҳудий вужудининг аҳамиятини эрта англаб етди. Зеро, у Ислом Уммати орасида, уни ҳар томондан ўраб турган муслмон халқлари орасида бегона жисм эди. Шунингдек, Ғарб Ислом Уммати ҳали ўлмагани, балки Ислomini ва давлатини қайта барпо қилиш ҳамда юртларини ҳар қандай босқинчидан озод қилиш ўтида ҳамон ёнаётганини тезда тушуниб етди. Бундан ташқари, кофир Ғарб муслмонларнинг Фаластиндек бу муборак заминга қанчалик боғлиқлигини, бу ер улар учун муқаддас замин ва иймонларининг бир бўлаги эканини, бунинг учун улар ҳар қандай қурбонликка тайёр эканликларини ҳам

англаб етди. Шунинг учун Америка ва Ғарб давлатлари яҳудий вужудини барча зарур ашёлар билан таъминлаб, уни энг кучли қуроллар, энг юқори ҳарбий ва фуқаролик техникалари билан қўллаб-қувватлаётганини гувоҳи бўляпмиз. Шунингдек, Ислом юртларидаги мавжуд малай режимлар, айниқса, Фаластин атрофидаги Сурия, Иордания, Миср ва Ливан каби давлатларнинг яҳудий вужуди хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ўз халқларини назорат қилиб, доим ҳушёр туришлари орқали уни тўлиқ ҳимоя қилаётганини кўрмоқдамиз. Чунки яҳудий вужуди Америка ва Ғарбнинг исломий юртлардаги кўрадиган кўзи ҳамда мақсадларини амалга ошириб берадиган, манфаатларини ҳимоя қиладиган қўлидир. У, шунингдек, Америка ва Ғарбнинг Ислом асосидаги ҳақиқий уйғониш сари интилувчи ҳар қандай ҳаракатга зарба берадиган қуролидир.

Америка исломий юртларда яҳудий вужудининг мавжудлиги муаммосини ва мусулмонлар унинг мавжудлигидан норозилигини англаб етгач, манфур икки давлат ечими лойиҳасини қабул қилди. Унга кўра, муборак заминнинг катта қисми яҳудийларга берилади ва бунинг эвазига уларнинг хавфсизлиги тўла таъминланади. Фаластинга эса, кичкинагина ер берилади ва у ҳам яҳудий вужудининг хавфсизлигини сақлаб, уни ҳимоя қилади ва Фаластин аҳлига зулм ўткази. Дарҳақиқат, Америка ва кофир Ғарб давлатлари бу ташландиқ, сунъий вужудни давлат деб тан олишга ҳамда унинг муборак заминдаги босиб олган ерларини қонунийлаштиришга шошилишди. Буни ўзининг кофир халқаро ташкилотлари ва муассасаларининг адолатсиз қарор ва қонунлари орқали амалга оширишди.

Кўрфаз минтақасини Америка бошқармоқда. Минтақадаги ролларни ҳам ўзининг сиёсий манфаатларига қараб тақсимлаб бермоқда. Хоинона тузилган икки давлат лойиҳасини амалга оширишда исломий юртлар ҳукмдорларидан иборат ўзининг малайларидадан фойдаланмоқда.

Шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, мусулмон ҳукмдорлар, жумладан Форс кўрфази ҳукмдорлари Фаластин масаласини яҳудий вужуди фойдасига ҳал қилишдаги асосий фигура бўлиб қолди. Улар бу ишни бажаришда – Вашингтон ёки Лондондаги хўжайинларининг буйруқларига қараб – баъзида секинлашса,

баъзида тезлашмоқдалар. Лекин Фаластин масаласини яҳудий вужуди фойдасига ҳал қилиш борасида бир-бирлари билан ҳамфикрдирлар.

Сўнги йилларда муслмон ҳукмдорлар, жумладан, Форс кўрфази ҳукмдорларининг Фаластин масаласига нисбатан хиёнати яққол кўриниб қолди. Чунки улар Фаластин масаласини ҳал этиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишга ўз алоқа каналлари ҳамда Ислом Умматидан тортиб олган пуллари билан ҳисса қўшишмоқда. Бошқа томондан эса, Аллоҳ ва Росулидан заррача қўрқмай ва мўминлардан уялмай зўравон яҳудий вужуди билан ошкора ва яширин алоқа ўрнатишмоқда. Яҳудий вужудининг Ислом юртларига оммавий, тижорий ва логистика жиҳатидан кириб боришига йўл очиб беришмоқда. Яна бир тарафдан улар Ҷазо секторидagi баъзи гуруҳлар ва ҳукумат билан алоқалари орқали Фаластин халқини тиз чўктиришга ва эътироз билдираётган ёки қаршилик кўрсатаётганларни бўйсундиришга ҳаракат қилишмоқда.

Ислом юртларидаги режимлар, айниқса, Кўрфаз давлатларининг исломий шаръий аҳкомларга қарши чиқиш ва муслмонларни чалғитишдаги энг жирканч роли қуйидагилардан иборат: улар бошқа ақида вакилларининг фикрларини эътироф этишга, яҳудий, насроний ва муслмонлардан иборат турли дин вакилларини «Иброҳим уйи» номи остида биргаликда яшашга чақирувчи чалғитувчи тушунчаларни илгари суришмоқда ҳамда динлараро мулоқотга ва диний хитобни ўзгартиришга чақиришмоқда. Босқинчи вужудга нисбатан кўз қарашни ўзгартириш, унинг муборак Фаластин заминини босиб олишига қонуний тус бериш, яҳудийларга қарши бўлган ва Фаластиннинг босиб олинишини жиноят санаган нусусларни йўқ қилиш, шунингдек, жиҳод тушунчасини, шариатни ҳакам қилишни ва «ал-вало вал-баро» тушунчаларини бекор қилиш чақириқлари ҳам шулар жумласидандир. Бу ишларнинг барчаси мактаб ўқув дастурларини ўзгартириш ва оммавий ахборот воситаларига кўрсатмалар бериш билан амалга ошади. Имом-хатиб ва расмий диний муассасаларга мана шу расво ролни бажаришлари учун йўл-йўриқлар кўрсатилади. Токи, Ислом Уммати, айниқса Кўрфаз халқлари яҳудий вужудини қабул

қилиб, уни мусулмонларга зиён келтирмайдиган муқаррар воқелик сифатида тан олсинлар.

Шунингдек, Кўрфаздаги хоин ҳукмдорлар минтақа давлатлари билан яҳудийлар ўртасидаги жангни сунний-шиадан иборат мазҳаблараро жангга айлантиришни кўзлаётган Америка сиёсати эргашишмоқда. Улар яҳудий вужудига кўз юмиб, уни тан олишади ҳамда у билан иттифоқ тузишда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб билишади. Бундан ташқари, Америка ва Ғарб давлатлари изидан юрадиган бу хоин режимлар Исломга, унинг аҳкомларига қарши курашиш ҳамда Ислом билан ҳукм юритадиган давлатни барпо қилишга ҳаракат қилаётган сиёсий исломий ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида ўзаро келишиб олишган.

Ҳозирги Америка маъмурияти йўқотган нарсасини Кўрфаз ҳукмдорларида топди. Айниқса улар Американинг розилигини олишга зўр бериб интилишмоқда. Улар бу ишни ё малайликларидан келиб чиқиб қилишмоқда ёки ўзининг манфаатларидан ажраб қолишдан қўрқиб Америка билан ҳамқадам ҳаракат қилаётган Британиянинг буйруқларига биноан амалга оширишмоқда.

Трамп ҳокимиятда бўлган вақтда Форс кўрфази ҳукмдорларидан жуда хунук суратда фойдаланди. У ҳукмдорларнинг мол-мулкани тортиб олиб, юзлаб миллиардларини беришга мажбур қилди. Кейин «Абраҳам» номли келишув бўйича ҳукмдорларни яҳудий вужуди билан муносабатларни ошкора нормаллаштиришга ундаб, уларни Яқин Шарқдаги ўз режаларини бажаришга торта бошлади. Сўнг Байден келиб, у ҳам шу йўлни давом эттирди. Натижада Амирликларга яҳудий вужуди билан алоқаларни сурбетларча нормаллаштириш вазифаси юкланди. Шунинг учун биз бугун Амирликларни Ғазо урушида яҳудий вужудига берган ваъдасини бажариб, уни истаган нарсалари билан таъминлаётганини кўряпмиз. Қатарнинг вазифаси Ғазо, қаршилиқ гуруҳлари ва Ғазо раҳбарларига ўз ҳукмини ўтказиш бўлди. Баҳрайн яҳудий вужуди билан муносабатларни очиқ-ошкор нормаллаштиряпти. Саудия валиаҳд шаҳзодаси эса, Саудия Арабистонини илмонийлаштиришга ҳамда Ислом аҳкомларини бузиш, одамлар орасида ахлоқсизлик ва фисқу фужурни ёйиш орқали халқни Ислом динидан ва Исломнинг

Ўзлигидан узоқлаштиришга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштириш ҳақида кетма-кет баёнотлар беряпти.

Кўрфаз давлатлари томонидан амалга оширилаётган яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштириш кўплаб сиёсий, иқтисодий, сақофий, оммавий ахборот воситалари, спорт, ҳарбий ва хавфсизлик соҳаларини ўз ичига олди. Шунингдек, ушбу нормаллашув келишувлари Исломиё Уммат бойликларини хорижий сармоя ётқизиш орқали қуритадиган ҳамда минтақа давлатларини энергетика, саноат, технология, алоқа, қишлоқ хўжалиги, туризм, йўллар ва бошқа соҳаларда яҳудий вужуди билан боғлайдиган йирик лойиҳаларни фош этди. Зеро, бу лойиҳаларнинг барчаси Американинг мақсадларини рўёбга чиқариб, яҳудий вужудини минтақадаги биринчи ва йирик давлатга айлантиради. Исломиё юртлардаги режимлар унга сўянадиган, ундан ёрдам сўрайдиган, унга дўстлик ва итоат мажбуриятларини тақдим этадиган бўлишади. Шу билан Уммат бойликлари қуритилади, ресурслар ўғирланади. Мусулмонлар эса яҳудий ва кофир ғарб давлатларига доимий қарамликда қоладилар.

Энди, исломиё давлатларнинг яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш иқтисодий манфаат ва фойда келтиради, деган даъволарига келсак, бу нарса уларнинг яҳудийлар табиатидан беҳабарлигини кўрсатади. Ҳолбуки яҳудийлар бахиллик, худбинлик ва хиёнат табиатига эга. Яҳудий вужудининг бошқа давлатлар билан алоқаси манфаат асосига қурилса, Ислому Уммати билан алоқаси душманлик асосига қурилади. Шунинг учун уларнинг мусулмонлар билан бўлган иқтисодий ва бошқа лойиҳалари, мусулмонлар билан алоқалари мана шу душманона қарашга асосланади, гарчи зоҳирда бунинг аксини кўрсатишса ҳам. Аллоҳ Таоло улар ҳақида бундай деган:

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدُوًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا الْيَهُودَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا وَلَتَجِدَنَّ أَقْرَبَهُم مَّوَدَّةَ لِلَّذِينَ

ءَامَنُوا الَّذِينَ قَالُوا إِنَّا نَصَرِيُّ ذَٰلِكَ بِأَنَّ مِنْهُمْ قَسِيصِينَ وَرُهْبَانًا وَأَنَّهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ﴾

«Иймон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз. Иймон келтирган зотларга энг яқин дўст

бўлгувчилар эса: «Биз насронийлармиз», деган кишилар эканини кўрасиз. Бунга сабаб уларнинг орасида олимлар ва роҳиблар бор эканлиги ва уларнинг кибр-ҳаво қилмасликларидир» [Моида 82]

Шундай экан, яҳудийлардан қандай яхшилик кутиш мумкин?! Улар билан муносабатларни нормаллаштирган кимсаларда биз учун ибрат ва сабоқ бор. Мана, Миср бизнинг кўз ўнгимизда турибди. Унинг яҳудийлар билан алоқаларни нормаллаштирганига 45 йил, Иорданиянинг алоқаларни нормаллаштирганига 30 йил бўлди. Фаластин маъмуриятининг яҳудийларни тан олганига 31 йил тўлди... Улар яҳудийлар билан алоқа қилишлари ортидан нима фойда топди?! Уларнинг аҳволи ўзгардими? Ёки кундан кунга ёмонлашиб боряптими?!

Усмоний Халифалик қулатилганидан кейинги мусулмонлар бошига тушган балоларнинг энг каттаси исломий юртларнинг қоқ ўртасига яҳудий вужудининг ўрнатилиши бўлди. Бу вужуд мустамлакачилик салибчилик лойиҳаси ҳисобланади. Эфиопиядаги «Наҳза» тўғони қурилишида ҳам энг катта тил бириктирувчилардан бири мана шу яҳудий вужуди бўлди. Шунингдек, яҳудий вужуди ўзи манфаатдор бўлиш учун Сувайш каналига муқобил бўлган ва Фаластин орқали ўтадиган йўлларни излаб топишда Амирликлар билан тил бириктирди. Босқинчи вужуд билан алоқаларни нормаллаштираётган давлатлар яҳудий вужуди муҳтож бўлган бирор нарса ишлаб чиқармайди, балки улар яҳудий вужудига хом ашё етказиб, унинг ширкатлари, маҳсулотлари ва хизматлари учун ўз бозорларини очиб беришади. Яҳудий вужуди глобал молиявий марказ бўлган Амирликлар орқали минтақа давлатларига кира олиши учун уни ўзининг молиявий марказига айлантиришга ҳаракат қиляпти. У, шунингдек, ўз ғазнасига пул тушириб, иқтисоди ҳажмини ошириш учун Амирликларни ўз лойиҳаларининг сармоячисига айлантиришга ҳам уриняпти. Яҳудий вужудида шундай тажовузкор ва манфаатпарастликка асосланган қараш мавжуд экан, у билан муносабатларни нормаллаштириш сари чопаетганлар унинг розилигига эмас, балки йўқотиш, машаққат ва қарамликка эришади, холос.

Иқтисодий манфаатларга эришилган тақдирда ҳам – аслида бундай манфаатларга ҳеч қачон эришилмайди – хиёнатга тўла бундай манфаат нақадар ёмондир. Қонга тўла бундай

манфаатлар нақадар ёмондир. Болалар, бевалар ва етимлар фарёдига олиб борадиган бундай манфаатлар нақадар ёмондир. Асира аёллар, қочқинлар, қувғинга учраганлар ҳисобига келадиган бундай манфаатлар нақадар ёмондир. Албатта бундай манфаатлар ҳаром бўлиб, ўз эгасини оёғидан олиб, дўзах ўтига тортади. Росулүллоҳ ﷺ айтадилар:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ حِمٌّ نَبَتَ مِنَ السُّحْتِ. وَكُلُّ حِمٍّ نَبَتَ مِنَ السُّحْتِ النَّارُ أُولَىٰ بِهِ»

«Ҳаром билан ўсган гўшт (яъни тана) жаннатга кирмайди. Ҳаром билан ўсган ҳар бир гўшт дўзахга муносибдир». Шаҳидларнинг қонлари ва мазлумларнинг кўз ёшлари ушбу жиноятчи тажовузкорларга қўл берган ҳар бир кишини лаънатлайди.

Марокаш, Миср, Иордания, Туркия, Судан ва Кўрфаз давлатларининг яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштиришлари Ислом Умматига зарар келтириб, унинг устидан душманларини ҳукмрон қилади. Бу, шунингдек, Умматни заифлаштиради ва бирлигини парчалаб, ерларини бўлиб ташлайди ҳамда яҳудий вужудини кучайтиради. Яҳудий вужудини – Умматга ёт бўлишига қарамай – кучли ва мақбул табиий бир вужудга айлантиради. Минтақада мустамлакачиликни мустаҳкамлаб, исломий юртларда Америка ва Ғарбнинг манфаатларини кучайтиради. Кофирларнинг иқтисодий, хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги нуфузини оширади.

Агар «хоинона тинчлик келишувлари» бўлмаганида бу нормаллаштириш содир бўлмасди. Айнан шу келишувлар бу давлатларни яҳудий вужудини тан олишга ҳамда унинг Фаластин заминида Ислом Уммати юрагига санчилиб туришига рози бўлишга ундади.

Яҳудийларни қўллаб-қувватлаётган, улар билан нормал муносабатда бўлаётган ва улар билан алоқа ўрнатаётганлар ўзларининг оғир жиноят содир этаётганини ва бу билан Аллоҳга, Росулига ва мўминларга хиёнат қилаётганини билмайдиларми? Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوِّكُمْ أَوْلِيَاءَ تُلْقُونَ إِلَيْهِم بِالْمَوَدَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا

بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ﴾

«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳаққа (дин ва Қуръонга) кофир бўлгандирлар!» [Мумтаҳана 1]

Бу оятда Аллоҳ Таоло ўзининг мўмин бандаларини Ислом ва муслмонларнинг душмани бўлмиш яҳудий ва насронийларни дўст тутишдан очиқ қайтармоқда. Шундай экан, уларни тан олиш ва улар билан муносабатларни нормаллаштириш қуйидагиларни англатади:

- Аллоҳ ва Росулига осийлик қилиш, буйруқларига қарши чиқиш ҳамда сурбетлик, шармандалик ва такаббурлик билан Унинг ҳукмларини бекор қилиш;

- Яҳудий вужудининг Фаластин ерига ҳақли эканига иқроор бўлиш, яҳудийлар фойдасига чекиниш ва Фаластинни муслмонларга қайтариш талабидан воз кечиш;

- Яҳудий вужуди билан алоқаларни узишдан бош тортиш ҳамда улар билан иқтисодий, сақофий, ҳарбий, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда алоқаларни ўрнатиш;

- Араб ва исломий юртларнинг бозорларини яҳудий вужуди товарлари ва инвестицияларига очиб бериш;

- Умматдаги жиҳод тушунчасига қарши курашиш;

- Яҳудий вужуди билан уришиш ва унга қарши туришни хоҳлаётган ҳар қандай шахс, жамоа ёки давлатга қарши чиқиш;

- Фаластинни озод қилиш йўлида тўкилган қонлар ва шаҳид бўлган жонлардан воз кечиш;

- У ердан чиқариб юборилган қочқинларни яна қайтишларидан маҳрум қилиш.

Бундай кўрқоқларча қилинган шармандали иш Ислом Уммати кўксига ханжар санчиш ва яҳудий вужуди муборак заминда амалга ошираётган жиноятларни яшириш ҳисобланади.

Биз яҳудий вужудининг Фаластин ва муборак ғазода ўз кирғинларини давом эттираётганига ва муслмонлар исломий юртлар ҳукмдорлари кўз ўнгида қириб ташланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу ҳукмдорлар яҳудий вужудининг ҳақиқий ҳимоячиларидир, улар яҳудий вужудига яшаши ва доимий қолиши учун имконият беришмоқда. Чунки улар яҳудий

вужудининг ҳимоя қилувчи темир гүмбази ва ортига ўтиб яширинадиган Ғарқад дарахтидир.

Исломий юртлар, хусусан Кўрфаз давлатлари ҳукмдорларининг – муслмонларнинг ҳис туйғуларини инобатга олмай – яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштиришлари ва буни очиқчасига тезлаштиришлари Ислом Умматининг иродасини синдириш бўлиб, бу муслмонларнинг ўз динлари борасида мағлуб бўлишларига ҳамда ўзларига зўрлаб тиқиштирилган мавжуд воқеликка кўниб тиз чўкишларига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш фақат ҳукмдорларга хосдир. Чунки бу ҳукмдорлар Умматдан ажралиб, уларга қонунийлик тусини бераётган ғарблик хўжайинларига мутлақ бўйсунимоқда. Улар ўз хўжайинларидан ҳеч ажрамай, ҳатто динлари зарарига бўлса ҳам, уларни рози қилишга уринишмоқда.

Аммо Ислом Умматига келсак, унинг ўзаги мустаҳкам ва дини тирикдир. У яҳудийлар билан нормаллашувни инкор этмоқда ҳамда хоин ва қўрқоқ ҳукмдорлар тузаётган ҳар қандай келишувни тан олмаяпти. Аксинча, бу нормаллашув ҳукмдорлар билан Уммат ўртасидаги жарликни кенгайтирмоқда.

Исломий юртлар яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришга қарши. Чунки Фаластин уларнинг ақидаларининг бир қисми, у муқаддас замин ҳамда Исро ва Мерож еридир. У ер юзидаги барча муслмонларникидир, унда барча муслмонларнинг насибаси ва ҳаққи бор. Улар Аллоҳ Таолонинг қуйидаги ояти ва Росулүллоҳ ﷺнинг ҳадисини ўқир эканлар, бу муқаддас заминга бўлган муҳаббат уларнинг қалбларида янада ортиб боради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ وَمِنَ آيَاتِنَا أَنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидул ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган (барча айбу

нуқсондан) пок Зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир» [Исро 1]

Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَا تُشَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ: الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ، وَمَسْجِدِ الرَّسُولِ ﷺ، وَالْمَسْجِدِ الْأَقْصَى»

«Зиёрат қилувчилар фақат уч масжидни зиёрат қилишлари мумкин: Масжидул Ҳаром, Росулulloҳ ﷺнинг масжиди ва Ақсо масжиди». Муттафақун алайҳ.

Фаластин масаласининг марказий ўрин тутиб, ҳамон аланга олаётганининг сабаби, унинг Ислom Уммати туйғуларини қўзғаб, дўстни душмандан ва холисни хоиндан ажратиб бераётганидадир. Қанчадан қанча сотқинлар Умматни алдаш, устига миниб олиш ва душманларининг режаларини амалга ошириш учун бу масала борасида савдолашиб келишди! Қанчадан қанча манфаатпарастлар – қўлларида бу масаланинг мабдаий реал ечими йўқлиги, аксинча, унинг эътиборсиз масалага айланишига ҳисса қўшишаётганига қарамай – Умматнинг муҳаббати ва ҳамдардлигини қозониш учун неча марталаб ундан фойдаланишди. Лекин Уммат Ғарбнинг ҳийланайранглари ва барча карталари тугамагунча олдинга қадам ташлашдан тўхтамайди. Ана ўшанда Аллоҳ ботилни йўқ қилиб, ўз сўзлари билан ҳақиқатни рўёбга чиқаради.

Малайлар Фаластин муаммосини еча олмайди, уларнинг оғизлари, баёноtlари ва саммитларидан ҳақиқий ечим чиқмайди. Унинг ечими кофирнинг қарашлари ва у қабул қилган ечимларга кўра бўлмайди.

Фаластин масаласи ҳеч қачон ечимсиз бўлмаган. Бу масалани БМТ ечармиди?! Фаластин масаласи ҳеч қачон Хавфсизлик Кенгаши, йирик давлатлар ва уларнинг муассасалари масаласи бўлмаган. Улардан ечим талаб қилиб бўлармиди?! Зеро, мусибат ва истилонинг асли улар-ку! Албатта Фаластин муаммосининг ечими буюк Ислom динимиздадир. Уни ҳал қилиш бутун Ислom Умматининг зиммасидаги фарздир. Унинг ечими анави рувайбиза ҳукмдорларни қулатиш ва Уммат душмани бўлмиш яҳудий вужуди билан тузилган келишув ва битимларни улоқтиришдан бошланади. Шунинг учун Уммат Ислom байроғи остида

бирлашиши, Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиши ва раббоний етакчилик остида қўшинни тайёрлаши керак. Шунда бу раббоний қўшин яҳудий вужудининг муборак заминдаги томирларини қуритади. Бу эса унинг ортида турган кофир Ғарб кучларига ибрат бўлади. Шунингдек, Исро ва Меърож ерини Ислом Уммати бағрига қайтаради. Бу муқаррар ишдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ ۗ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» [Юсуф 21] □

ҲАРБИЙ УСТУНЛИК УЙДИРМАСИНИНГ ҚУЛАШИ
ИСЛОМИЙ ОЛАМДАГИ ҚУРОЛЛИ ТАШКИЛОТЛАР ҒАРБНИ БОШИ БЕРК
КЎЧАГА ОЛИБ БОРМОҚДА

Исом Шайх Ғоним

Шу бугунгача давом этаётган сўнгги Ғазо уруши асносида АҚШ мудофаа вазири Ллойд Остин яҳудий вужудининг тактик ғалабаларга эришганига қарамай, стратегик мағлубиятга учрагани ҳақида гапирди. Яҳудий вужуди ташқи ишлар вазираси Ципи Ливни 2006 йилги Ливан уруши пайтида «душманнинг иймон ва эътиқоди бизни технологик устунликни йўқотишга мажбур қилмоқда», деган эди. Сурия қўзғолони пайтида ҳам қўзғолончилар енгил қурооллар билан аэропортларни қамал қилиш орқали аэропорт ва миллиардлаб долларлик самолётлар фаолиятини нейтраллаштиришга муваффақ бўлгандилар. 2003 йилги урушдан кейин Ироқдаги енгил қурооллардан бошқа қуроолларга эга бўлмаган қаршилиқ ҳаракати эса дунёдаги энг катта ҳарбий қудратга эга бўлган Американи деярли мағлуб этган. Афғонистонда АҚШ армияси ва унинг ғарблик иттифоқчилари бор йўғи 50 мингга яқин Толибон жангарилари олдида 20 йил ичида ҳарбий ғалабага эриша олмагач, шармандаларча чекинди.

Буларнинг барчаси нимани англатади? Мусулмонларнинг жиҳоди урушларда ва ҳарбий куч табиатида янгича тушунчаларни жорий қилмоқдами?

Мавзу янада тушунарли бўлиши учун айтамикки, иккинчи жаҳон урушида Ленинград (Санкт-Петербург) ва Москва каби шаҳарлар немис қўшинлари қаршисида йиллар давомида собит турган. Америка ҳам 1970 йилларнинг бошларида Вьетнам инқилобчиларидан деярли мағлубиятга учраган. Бу ерда яна Украинадаги уруш ва супер куч бўлган Россиянинг арзирли натижаларга эриша олмагани каби бошқа эски ва янги мисоллар ҳам бор. Шу ўринда муҳим савол туғилади: Жанг майдонида устунлик қиладиган ва урушларга сезиларли таъсир кўрсатадиган нарса нима? Бу борада мусулмонлар бошқа халқлар олдида алоҳида кўзга ташланиб турадиларми?

Яҳудий ёзувчилардан бирининг айтишича, (Исроил)нинг ҳарбий устунлик назарияси 2023 йил 7 октябрда Қассамнинг ҳужуми қаршисида бутунлай барбод бўлган. Шу тариқа яҳудий раҳбарлар ўнлаб йиллар давомида илгари суриб келган куч-

қудрат тушунчалари банкротга учради. Ҳа, бу ҳақиқат бўлиб, ҳатто Ғарбнинг ўзи ҳам 2023 йил 7 октябрдаги ҳужум ҳарбий коллежларда ўқитилишга лойиқ эканини тан олди.

Одатда, урушларда, кучли армия кучсиз армияга ҳужум қилиб, жанг майдонида ютуқларни қўлга киритади. Урушдан кейинги музокара ва келишувларга ҳам шу ютуқлар ўз ҳукмини ўтказади. Бошқача айтганда, кучли давлат ҳарбий ва сиёсий ғалабани қўлга киритади. Диққат билан ўрганиб чиқсак, рақибнинг мағлубиятни тан олиши кучли томонни ғолиб қилиб, унинг сиёсий ютуқларини рўёбга чиқаради. Яъни ғолиб томон турли даражада бўлса ҳам, рақибнинг таслим бўлишига эришади. Лекин рақиб томон мағлубиятни тан олишдан бош тортиб, таслим бўлмаса ва қаршилик кўрсатишни давом эттирса, кучли томоннинг ҳужуми биринчи навбатда жадалликни, олдинга интилишни йўқота бошлайди. Бу ўринда жадаллик деганда техникалардаги жадаллик эмас, балки инсоний куч назарда тутилмоқда. Кучли томоннинг жадаллиги пасайганда, қуролнинг кучи аста-секин нейтраллашади. Яъни қуролнинг кучи рақибга таъсирини йўқотиб, кучли томон ғалабага эриша олмай қолади.

Мусулмонлар кўплаб юртларда бошдан ўтказган амалий тажрибалари билан йўқотишларни кўтариш қобилиятига эгадирлар. Бу эътиқодий кўз-қарашдан ҳамда қазо ва қадарга бўлган иймондан келиб чиқади. Улар керакли маҳсулот ва қуроллардаги камчиликларга сабр қилишнинг улкан захирасига ҳам эгадирлар. Бу ҳам Ислом ақидасининг натижасидир. Бундан ташқари, ажалга бўлган иймон жангчиларни қийинчиликларни енгиб ўтишга ундайди. Чунки улар ўлим нафаслар тугаганидан кейин келишига, жангдаги ўлим охираат ҳаётига, яъни кенглиги осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга кўчиб ўтиш эканига ишонадилар. Ушбу эътиқодий тушунчаларнинг барчаси мусулмонлардагина мавжуд бўлиб, уларнинг қурол кучида устун бўлган рақибларида бу нарса мавжуд эмас.

Шунинг учун исломий ташкилотларнинг кофир душманга қарши урушлари Ғарбнинг ҳарбий тушунчаларини ўзгартира бошлади, десак тўғри бўлади. Зеро, бу урушлар уларни мусулмонлар билан жанг қилишдан хавфсирайдиган қилиб қўйди. Улар мусулмонларнинг сабри, саботи ва Аллоҳнинг

йўлида ўлишни яхши кўришидан ҳайратга тушишди. Бу мусулмонларни кофирларга қарши сафарбар қилишда имконияти чекланган ташкилотларнинг амалга ошираётган ишларидир. Шундай экан, Исломий Умматни бошқариб, унинг бутун куч-қудратини кофирларга қарши курашга сафарбар этадиган давлат бўлса қандай бўлади? Эҳтимол, кофир давлатлар етакчиларининг бунинг оқибатини тушунишлари уларнинг Исломга қарши аёвсиз уруш олиб боришга ундаётгандир. Шунинг учун улар терроризмга қарши кураш номи остида жиҳодга қарши ҳамда мусулмонларни ўз динлари борасида шубҳага солиш учун аёлларга алоқадор ҳукмларга қарши курашаётгандир. Улар ҳатто Европада ҳалол савдога қарши уруш бошлашди. Бу эса, Ғарбнинг мусулмонларга нисбатан нафрати қанчалик кучли эканини кўрсатади.

Ҳар қандай халқ у билан қуролашиб, юксалиши мумкин бўлган буюк куч ҳақиқат кучидир. Чунки ҳақиқат Уммат шахсиятини юксак ишонч даражасида шакллантириб, унинг мавқеини кўтаради. Ботил, шу жумладан ёлғон, макр ва алдов Уммат шахсиятини бузиб, сиёсатини шубҳа остига қўяди ва қадрини пасайтиради. Ҳақиқатнинг кучи Умматда ишончлилик ва мазлумга ёрдам бериш каби яхши фазилатларни кучайтиради. Ботил эса, Умматда ёлғончилик хислатларини ва иккиюзламачилик стандартларини пайдо қилади. Ботил эгаси ўз қуроли билан кучли бўлганда, бу унинг такаббурлигини кучайтиради. Бугунги кунда биз буни Ғарбдаги куфр миллатида кўряпмиз. Масалан Америка ва Европа дунёга ва ўз халқларига ёлғон гапиради. Бу эса, одамлар ва ҳатто уларнинг ўз халқлари ҳам ёмон кўрадиган хислатдир. Бу давлатлар ўзларининг ҳарбий қудрати ва ёлғони тўфайли такаббурликни ва иккиюзламачилик стандартларини намоён этишади. Булар давлат учун ва ҳар қандай халқнинг келажаги учун ғоят хавfli хусусиятлардир. Чунки ёлғон гапириш ва ишончли йўқотиш шубҳаларни кучайтиради, иттифоқларни бузади ва давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлганларни заифлаштиради. Бу эса давлат ва миллатнинг кучли томонларига қарамай, заифликни келтириб чиқаради. Такаббурлик кутилмаган тарафдан адоват уруғини сепади.

Бугунги кунда биз буни Американинг ва яҳудий вужудининг ҳолатида кўриб турибмиз. Мана, Америка Ҳусийларни

террорчилар рўйхатига киритди. Агар улар кемаларга ҳужум қилишни тўхтатишса, уларни бу рўйхатдан чиқаришини эълон қилди. Бу халқаро сиёсатда шармандали иш. Яҳудий вужуди унга қарши чиққан ҳар қандай одамни антисемитизмда айблайди. Бу унинг учун сўнгги ҳимоя чизиғи бўлиб, шу орқали ўзи хоҳлаган ишларни амалга оширмақда. Ғарб халқлари Ғазо урушида бўлаётган ишларга ва ўз ҳукмдорларининг позицияларига қараб, бу жирканч позицияларнинг Ғарб қадриятлари учун қабристонга айланиб бораётганини кўришмоқда. Кимки бу муҳим эмас деб ҳисобласа хато қилади. Чунки бу нарса халқларнинг қанчалик қудратли бўлишига қарамай, заифлашишига, ўзларининг ва ҳазоратларининг қулашига сабаб бўлади. Ҳазорати қулаган пайтида уни ҳимоя қиладиган ҳеч ким топилмайди.

Ислом Уммати ва унинг ростгўй сиёсатчилари ёлғон гапирмайдилар. Чунки Ислом ёлғон гапиришни ҳаром қилган. Бу уларга бўлган ишончни оширади. Бугун биз бундай ростгўйлик деган нарсани умуман кўрмаяпмиз. Масалан, яҳудийлар қаршилиқ ҳаракати етакчиларининг чиқишларини кутадиган бўлиб қолган. Улар берган хабарларни тўғри деб билиб, ўз сиёсатчиларининг айтганларига ишонишмаяпти. Бу ишончлиқ муслмонларга фойда келтириб, уларни мумтоз шахсия қилиб шакллантиради. Муслмонлар шаръий аҳкомларга амал қилганлари сабабли уларда такаббурлик йўқ. Жазолаш имкони бўлиб турган пайтда афв этиш муслмонларга хос хусусиятдир. Биз буни исломий қуролли ташкилотларнинг асирларга бўлган муносабатида кўрдик. Бунга кофирлар ҳам гувоҳ бўлишди. Муслмонлар кучли бўлган пайтларида мазлумга, агар у муслмон бўлмаса ҳам, ёрдам берадилар. Кофирларга келсак, уларнинг позициялари шармандалидир. Мана, Ғазода одамлар қирғин қилинаётганига қарамай, Британия ички ишлар вазираси Британиядаги Ғазо билан бирдамлик маршларини, «нафрат маршлари» деб атади. Германия, яҳудийларнинг жиноятлари оғирлигига қарамай, қаршилиқ ҳаракатидаги шахсларга санкция жорий қилди. Франция президенти Нетаняхуга Ҳамасга қарши бир неча минг жангчидан иборат халқаро коалиция тузишни таклиф қилди. Америка ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки унинг президенти Тель-Авивга қилган сафари чоғида яҳудийларнинг

касалхонани портлатиш тўғрисидаги ҳикоясига ишонишини билдирди.

Жангда биз энг кучли қуроллар билан қуролланган яҳудий армиясини кўрдик. Фақат энгил қуроллар билан қуролланган ўттиз минг жангчига қарши уч юз мингдан ортиқ аскар тўпланди. Биз яҳудийларнинг қўрқоқлигини ва баъзи аскарларининг ҳаводан ёрдам йўқлиги туфайли қочиб кетганини кўрдик. Ҳолбуки, урушлар тарихида ғазода бўлганидек кучли ҳаво қалқони бўлмаган. Агар мусулмон жангчилар сони уч юз минг бўлганида, кофирлар бу мусулмон жангчиларга қарши жанг қиладиган уч миллион аскарни қаердан олишарди? Агар мусулмон жангчилар уч миллион бўлса, кофирлар уларга қарши жанг қиладиган ўттиз миллион аскарни қаердан олишади? Агар ғазо ҳудуди жанг майдони бўлиши ўрнига бутун Фаластин ҳудуди жанг майдони бўлса, яҳудийлар ғазо ҳудудини қамраб олганидек, бутун Фаластинни қамраб олиш учун етмиш минг ҳарбий самолётни қаердан олишади? Хўш, бутун Шом ерлари ва ундан каттароқ ҳудудлар ҳақида нима дейиш мумкин? Агар мусулмонларнинг қўлида ўзлари ишлаб чиқарган ёки баъзиларини ўзлари ишлаб чиқарган яхшироқ қуроли бўлса нима бўлади?

Бу саволлар Ислом Умматини самарали ҳаракат қилишга қодир бўлмайдиган ҳолатда ушлаб туриш учун кофирларни хоин ҳукмдорларни маҳкам ушлаб қолишга мажбур қиладиган стратегик саволлардир. Зеро, Уммат ҳозирда қамоқхонада қолмоқда ва агар кишанлар бўшатиlsa, яҳудий вужуди ва ғарб олами эфирда бериладиган янгиликларга айланади. Бу ҳақиқатдир. Чунки сон ва ҳарбий техника жиҳатидан кичик бўлган исломий қуролли ташкилотлар йирик давлатларнинг ҳарбий устунлигини ҳақиқатдан барбод қилди. Кофирлар уни тарих дарсларида ўқишар эди. Бугун эса улар уни Ироқ, Афғонистон, Сурия ва Фаластиндаги қаршилиқ урушларида кўришмоқда. Бу ҳақиқат бугунги жанг воқелигининг бир қисмига айланди. Зеро, яҳудийлар осон ғалабалар даври тугаганини эълон қилишмоқда.

Бу мусулмонлар учун ажойиб хушxabардир. Чунки Америка, Европа ва яҳудий вужудидан иборат уларнинг душманлари мусулмонларнинг ақидаси ва динларининг ҳукмларида яширинган кучдан даҳшатга тушишди. Мусулмонлар эга бўлган

энг катта куч элементи Исломдир. Бугунги кунда муслмонларда ҳақиқатда мавжуд бўлган улкан башарий куч, уларнинг дунёдаги ўзига хос мавқеи ва стратегик бўғозларни назорат қилишлари, шунингдек, уларнинг юртлари нефть, газ ва бошқа фойдали қазилмаларга бойлиги каби бошқа куч элементлари ҳозирда уларнинг тасарруфида бўлмаса ҳам, Ислом уларнинг энг катта кучидир. Буларнинг барчаси билан Ислом Уммати ер юзидаги энг буюк уммат бўлади. Қачонки бу ҳукмдорлар йўқ қилиниб, холис ҳукмдорлар Исломни татбиқ қилсалар, Ислом қуёши бутун дунёга нур сочади. Ислом қуёши чиққанда касал умматларнинг сохта қуёшлари сўниб, улар ўзларининг касалликларини даволаш билан овора бўлишади. Сўнг Ислом уларни супуриб ташлаб, ифлос ҳазоратларига чек қўяди. Баъзилар у кунни узоқ деб билишса ҳам, Аллоҳнинг изни ила биз уни яқин деб ҳисоблаймиз. □

МЎМИН ВА МЎМИНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ҲАМДА ВОЖИБНИ АДО ЭТИШ ТУШУНЧАСИ

Соир Аҳмад Салома

Исломдаги масъулият тушунчаси бошқа иккита тушунча билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ислом бу икки тушунчага мустаҳкам пойдевор қўйган. Мукаллафларга ҳаётда бажарадиган роли (ёки эгаллаган мавқеи ёки вазифаси) асосида, шунингдек, мўминларни бир-бирига боғлайдиган ришта асосида юклаган вазифаларни шу икки тушунча асосида тартиблаштирган. Бу ришта умумий дўстлик риштаси бўлиб, у мўмин ва мўминаларни бир танага, парчаланмас тузилмага айлантиради.

Биз кўрдикки, Ислом хос ва умумий масъулиятларни белгилаб, уларни ҳар бир мусулмоннинг ҳаётдаги ўзига хос ролига кўра тартибга солган. Масалан, имом-халифа бошлиқдир ва у ўз фуқароларидан жавобгар. Чунки ҳаётда у бажарадиган рол мусулмон ва зиммий фуқаролар ишларини ғамхўрлик билан бошқариш учун умумий жавобгарлик ролидир. Жазо чоралари, қасос, таъзир, шартномалар тузиш, Ислом аҳкомларига мувофиқ ишларни бошқариш учун ички сиёсатни ўрнатиш, низоларни ҳал қилиш ва ҳақларни ўз эгаларига қайтариш, шунингдек, исломий даъватни ёйишга ва жиҳодни амалга оширишга қаратилган ташқи сиёсатни юритиш ва булардан бошқа ишларнинг барчаси ҳукмдор ва унинг вакили бўлган кишининг жавобгарлиги қилиб белгиланган. Ислом бу вазифаларнинг тўғри бажарилишини қаттиқ назорат қилади ва у ҳукмдорга шундай ваколатларни берадики, у бу ваколатлар орқали ушбу вазифаларни бажара олади. У Исломий давлатни ҳимоя қилиш учун бунга имкон берадиган кучни, тузумнинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш учун полицияни ҳукмдорнинг қўлига топширади. Унга яна шундай ваколатларни берадики, у бу ваколатлар орқали маъруф ишларни жорий этади ва мункари ишларни йўқ қилади. Шундай қилиб, ушбу масъулиятларнинг барчаси ҳукмдорнинг мусулмонлар амири сифатида бажарадиган вазифалари қаторига қўшилади. Шунинг учун агар ҳукмдор ўзига юкланган вазифани адо эта олмаса ва унга бепарволик қилса, гуноҳи жуда оғир бўлади. Масалан, давлат чегаралари ичида ва босиб олинган юртларда Уммат бошига фожиа ортидан фожиа келган,

покиза муслималар ор-номуси поймол қилинган, Ғарб томонидан Уммат бойликлари талон-торож қилинган бир пайтда мусулмон ҳукмдорларнинг Уммат душманлари жиноятларига сукут сақлаши гуноҳ ва тажовузда тўғридан-тўғри душманларга шерик бўлишдан бошқа нарса эмас. Улар қатл этилаётган ҳар бир мусулмоннинг қатлида Уммат душманларига шерикдир. Поймол этилаётган ҳар бир ҳақнинг жиноятида Уммат душманларига шерикдир. Чунки улар масъулиятни кўтаришда бепарволикка йўл қўйишди. Бироқ, улар жидду жаҳд қилишса бўларди. Тоқатидаги бор куч-ғайратларини Аллоҳнинг олдида юзларини ёруғ қиладиган суратда сарфлашса бўларди. Аммо улар буни қилишмади. Шунинг учун улар гуноҳда ҳам, жазода ҳам Ислом душманлари билан баробардир. Яна Аллоҳ билгувчидир. Юқорида масъулият тушунчаси ҳақида гапирганимизда биз келтирган оят ва ҳадислар тўплами бунга далилдир.

Армиянинг роли шуки, у кенг жамоатчилик зиммасига олган масъулиятлардан ташқари маълум масъулиятларни зиммасига олади. Чунки чегараларни ҳимоя қилиш, жиҳод орқали даъватни ёйиш, мудрофаа жиҳоди ва босиб олинган Ислом ерларини қайтариш ҳамда мусулмонларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш армиялар зиммасидадир. Агар улар бу ролни бажара олмасалар, уларга етадиган гуноҳ оғир гуноҳдир. Улар томонидан мусулмонларнинг қўллаб-қувватланмаслиги мусулмонларга қарши агрессияда иштирок этишдир. Исломий давлатни барпо этишга қаратилган Ислом даъватининг улар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги ботилнинг умрини узайтиришда ва тоғутлар бошқарувида иштирок этишдир. Шунинг учун тортиб олинган ҳар бир ҳақ-ҳуқуқ, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқарилмаган ҳар бир масала ва топталган ҳар бир ор-номуснинг, шунингдек, Аллоҳнинг душманлари томонидан ўғирланган ёки талон-торож қилинган Уммат бойликларининг гуноҳи уларнинг зиммасига тушади.

Уламоларнинг роли жуда муҳим бўлиб, биз бу борада тўхталиб, бутун Уммат уламоларини огоҳлантиришимиз керак. Чунки олимлар Аллоҳнинг Китобидан ўзлари ўрганиб, одамларга ўргатишлари билан раббоний олим бўладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَكِنَّ كُونُوا رَبَّنِيْنَ بِمَا كُنْتُمْ تُعَلِّمُونَ الْكِتَابَ وَبِمَا كُنْتُمْ تَدْرُسُونَ﴾

«Балки уларга: «Аллоҳнинг китобини одамларга таълим бериб ва ўзингиз ўқиб-ўрганиб, ёлғиз Парвардигорга ибодат қиладиган кишилар бўлинглар» (демоғи лозимдир)»

[Оли Имрон 79]

Бу шарафли даража ва жаннатга олиб борадиган йўлдир. Лекин сиз раббоний олим бўлганингиз ҳолда, Аллоҳ Таолонинг сизга ғазаби кучайиши ва энг қаттиқ таҳдидлар билан сизга таҳдид қилиши ҳам мумкин. Бунинг сабаби шуки, олим сифатида сизга топширилган рол ва юклатилган вазифа энг муҳим вазифалардан биридир. Сиз жамиятнинг етакчиси бўлиб, уни тўғри йўлга солишингиз ва бажариши керак бўлган буюк вазифаларга йўналтиришингиз лозим. Ҳукмдорларни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш сизнинг энг улўф вазифаларингиздандир. Шунинг учун олимнинг обиддан афзаллиги Абу Довуд саҳиҳида ривоят қилинган ҳадисда белгилангани кабидир. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَطْلُبُ فِيهِ عِلْمًا، سَلَكَ اللَّهُ بِهِ طَرِيقًا مِنْ طُرُقِ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَصْغُرُ أَجْنِحَتُهَا رِضًا لِطَلَبِ الْعِلْمِ، وَإِنَّ الْعَالِمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ، وَمَنْ فِي الْأَرْضِ، وَالْحَيَاتَانِ فِي جَوْفِ الْمَاءِ، وَإِنَّ فَضْلَ الْعَالِمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ، وَإِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ، وَإِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورَثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا، وَرَثُوا الْعِلْمَ، فَمَنْ أَخَذَهُ أَحَدٌ حِطًّا وَافِرًّا»

«Ким илм излаб йўлга тушса, Аллоҳ уни жаннат йўлларида бирига йўллаб қўяди. (Бу йўлда) фаришталар толиби илмдан рози бўлиб, қанотларини ёзиб, (ҳақларига дуо қилиб турадилар). Олим учун осмонлару ердагилар ва денгиз қаъридаги балиқлар мағфират сўрайди. Олимнинг обиддан афзаллиги тун қоронғисидаги тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Уламолар пайғамбарлар меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қилиб қолдирганлар. Демак, ким уни ўз ҳаққи билан олса, тўлиқ насибани олибди». Олим учун осмонлару ердагилар ва денгиз қаъридаги балиқларнинг мағфират сўраши, уларнинг тиши оппоқлиги ва мияларидаги илм учун эмас, балки раббоний мавқелари туфайлидир. Улар раббонийлардир. Лекин бунинг қаршисида уларга нисбатан Раҳмоннинг ғазаби қаттиқ бўлиши

ҳам мумкин. Бу эса, раббоний олимнинг ўта жиддий икки масалага нисбатан тутган позициясига боғлиқ:

Биринчи: ҳукмдорлар Уммат бойликларини ноҳақ еяётган ва Уммат душманларидан пора олаётган пайтларида уларга нисбатан олимнинг тутган позицияси. Ҳукмдорлар мана бу ишлари билан душманларга Уммат бойликларини талон-торож қилишларига, Умматнинг ўғил-қизларини кофирга қул қилиб беришга ҳамда Умматнинг имкониятлари устидан кофирнинг ҳукмронлик қилишига имкон беришмоқда. Кофирлар учун мўминлар устидан йўл бериш қатъий ҳаром қилинган бўлишига қарамай, улар бунга йўл беришмоқда. Шунингдек, Уммат душманлари унинг пули ва бойликларини ноҳақ емоқда. Бундан ҳам хавфлиси, поранинг бадалида Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм юритилишидир. Агар сиз уларнинг олдида кучли шердек туриб, уларни ҳаром ейишдан қайтарсангиз, жамоатчиликни ва якка шахсларни уларга қарши қўзғаб, улар билан бу ҳукмдорларни қўрқитсангиз ҳамда уларнинг етакчиси бўлсангиз, шунда сиз осмонлару ердагилар, денгиз қаъридаги балиқлар сизга мағфират сўрашига лойиқ раббоний олим бўласиз.

Иккинчи: гуноҳкор ҳукмдорларнинг сўзларига нисбатан сизнинг тутган позициянгиз. Ўйлайманки, бугунги ҳукмдорлардан қайси бирининг оғзидан чиқаётган гапга қараманг, барчаси гуноҳ. Бу гапни қайси томонга бурсангиз ҳам, қанчалар ўйлансангиз ҳам, бу гап гуноҳ. Шундай экан, Аллоҳ Таолонинг таҳдидидан қутулишингиз учун Қуръонни ўрганиб, уни одамларга ўргатишингиз кифоя қилмайди. Чунки Аллоҳ раббоний уламоларга кескин иборалар билан қаттиқ таҳдид қилган ва уларни буюк оят билан огоҳлантирган. Бу оят ҳақида уламолар: «Қуръонда бу оятдан кўра уламоларга қаттиқроқ танбеҳ берган ва улар учун қўрқинчлироқ бўлган оят йўқ», дейдилар. Тасаввур қилинга, Аллоҳ Таоло уларни раббоний деб таърифлайди, шунга қарамай, уларга танбеҳ бериб, таҳдид қилади! Ё Аллоҳ!

﴿لَوْلَا يَنْهَاهُمُ الرَّبَّيُّونَ وَالْأَحْبَابُ عَنْ قَوْلِهِمُ الْإِثْمَ وَأَكْلِهِمُ السُّحْتَ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَصْنَعُونَ﴾

«Олим ва донишмандлар уларни гуноҳ сўзлардан, ҳаром ейишдан қайтармайдиларми?! Қилаётган ҳунарлари нақадар ёмон ҳунар»

[Моида 63]

Эй уламолар, сизларнинг қилаётган ишларингиз нақадар ёмон. Сизлар ҳукмдорларни ҳаром ейишдан ва гуноҳ сўзлардан қайтармаяпсизлар. Бунга Аллоҳ Таоло томонидан жуда қаттиқ оҳангда айтилган ваид, азоб бор. Сизларни шу азоб кутяпти. Бу оят Бану Исроилнинг донишмандлари ва раббоний уламолари ҳақида нозил бўлган. Улар ўз ҳукмдор ва қозиларининг аҳволларини кўриб туришар эди. Ҳукмдор ва қозилари Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм чиқариб бериш учун хусуматлашаётган томонлардан пора олишарди. Раббоний уламо ва донишмандлар Аллоҳнинг шариатини одамлар ўртасида адолат билан ҳукм қилишдан тўсадиган бундай қабих қилмишдан қайтаришмади. Уларнинг ҳаром ейишининг маъноси, яъни Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм қилиш учун пора олишларидир. Бу бугунги муслмон ҳукмдорлар ҳокимиятда қолиш ва Уммат бойликларини душманлар томонидан талон-торож қилинишига ташлаб қўйиш учун олаётган поранинг айни ўзидир. Яҳудийларнинг Ғазо аҳлига қарши агрессияси авжига чиқиб турган бир пайтда яҳудий вужудини керакли озиқ-овқат ва техникалар билан таъминлаш учун йўлакларни очиш, муслмон юртларни Ғазонинг шарқидан ғарбигача ўзиб қўйиш ҳам шу пора эвазига бўлди. Муслмон ҳукмдорлар уларга имкон яратиб беришди. Раббоний уламолар эса, бу ҳукмдорларни ушбу қабих ишдан қайтаришмади. Бундай қабих ишни қилган уламоларни Аллоҳ Таоло жуда қаттиқ огоҳлантиради.

Бунинг сабаби, эй уламолар, сизнинг позициянгиздан келиб чиққан нарса бутун Умматни йўлдан оздириш ва беҳуш қилиш, шунингдек, уни ҳукмдорлар ва Уммат душманлари қўлига ўргатиш эканлигидир. Сизларнинг орангиздан шундай қилмишни қилганларнинг иши нақадар ёмон қилмишдир. Мен барча ҳукмдорларга Росулulloҳ ﷺ улар ҳақида қилган башоратни айтаман. Абу Ҳурайра رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилган ҳадисда У зот айтадилар:

«يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ لَا يُبَالِي الْمَرْءُ مَا أَخَذَ مِنْهُ، أَمِنَ الْحَلَالِ أَمْ مِنَ الْحَرَامِ»

«Одамларга шундай замон келадики, унда инсон олган нарсасининг ҳалол ёки ҳаром бўлишига аҳамият бермайди».

Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلم айтадилар:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ جَسَدٌ غَدِي بِحَرَامٍ»

«Ҳаромдан озуқаланган ҳеч бир тана жаннатга кирмайди».

Зайд ибн Арқам Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه айтади: Мен Росулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلمнинг шундай деб айтганларини эшитдим:

«كُلُّ جَسَدٍ نَبَتٍ مِنْ سُحْتٍ فَالنَّارُ أُولَى بِهِ»

«Ҳаромдан ўсган ҳар бир танага дўзах муносиброқдир».

Муаззиннинг ривоятида шундай келади:

«أَيُّمَا حِمٍّ مِنْ سُحْتٍ، فَالنَّارُ أُولَى بِهِ»

«Қайси гўшт (яъни тана) ҳаромдан ўсган бўлса, унга жаҳаннам муносиброқдир». Эй ҳукмдорлар, мен сизларга шундай таналар ҳақида айтяпманки, сиз уларни ҳаромхўрлик билан, яъни давлат пулини ўғирлаш, тахтларингизни сақлаб қолишингиз учун Америка сизларга ёрдам тариқасида берган пуллар ва Уммат бойликларини ноҳақ талон-торож қилиш билан ўстирдингиз. Буларнинг барчаси ҳаромхўрлик ва ҳаром ейиш билан ўсган таналардир. Бундай таналарга жаҳаннам муносиброқдир. Сизларга ҳам, ботил устида сизларга ёрдам берганларга ҳам Аллоҳнинг азоби бўлсин. Энди уларнинг гуноҳ сўзларига келсак, ҳаром ейиш ва гуноҳ сўзларга Аллоҳнинг азоби ваъда қилинган. Бу икковининг гуноҳ ва тажовуздаги даражаси Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм юритишдан пастроқдир. Оятдаги «ҳаром ейиш»дан мақсад Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритмаслик учун олинган поради. Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм юритмаслик иши ҳаром ейиш ишидан қаттиқроқ гуноҳдир. Пастроқ даражадаги гуноҳ ҳақидаги огоҳлантириш шу қадар қаттиқ бўлса, энг оғир гуноҳга сукут сақлашнинг жазоси янада қаттиқроқ бўлади.

﴿لَيْسَ مَا كَانُوا يَصْنَعُونَ﴾

(Қилаётган ҳунарлари нақадар ёмон ҳунар). Бу Аллоҳнинг қасами бўлиб, У зот бу билан қасамёд қилмоқда. Аллоҳ Таоло айтмоқда: «Қасамёд қиламанки, бу раббоний уламолар ва донишмандларнинг қилган ишлари нақадар ёмон. Улар гуноҳ,

тажовуз ва ҳаром ейишга шошилаётганларни қилган ишларидан қайтармадилар». Бундан кўришиб турибдики, уламолар зиммасига олган муҳим рол ва вазифанинг натижаси ҳам ниҳоят даражада муҳимдир. Агар улар ботилга сукут сақласалар ва ботил бош кўтариб, улканлашса, улар гуноҳга шерикдирлар.

Оддий одамларнинг Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм юритилиши, мусулмонларнинг юртларига, фарзандларига, муқаддас жойларига, аёлари ва гўдакларига тажовуз қилиниши, шунингдек, уйлари вайрон этилиб, ерлари босиб олиниши каби муҳим масалалардаги роли ва вазифасига келсак, уларнинг ўзларига юкланган вожиб ишни тушунишлари бу муҳим ролни бажаришларини кафолатлайди. Улар бу ролни бирлашган ҳолда бажара оладилар, якка тартибда бажаришга қодир бўлмайдилар. Бу вазифа нусрат шартларини бажармаган ҳолда, намоз ва дуода Парвардигорга нусрат бериши ҳақида илтижо қилиш эмасдир. Нусратнинг шарти шуки, дастлаб улар Аллоҳга ёрдам берсинлар. Пул йиғиш билан кифояланиб, биродарларига ёрдам беришдан ўтириб қолмасинлар. Тўғрироғи, улар биргаликда гуруҳ бўлиб шаҳар марказларига тушишга, давлатнинг барча манфаатларини, тижорати ва заводларини тўхтатиб қўйишга, ўз юртларидаги ҳаётни тўлиқ фалаж қилиш учун тўлиқ ва кенг-қамровли фуқаролар исёнини келтириб чиқаришга, шунингдек, ҳукмдорларни қулатишга, армияларни ҳаракатга келтиришга ва ҳатто душманларини таъминлаш учун юртларидан ўтаётган ёрдам карвонларини тўхтатиб қўйишга ва булардан бошқа ишларни қилишга қодирдирлар.

Агар мусулмонлар ўзларига юкланган рол ва вазифанинг ҳақиқатини тушуниб, бу буюк вазифани зиммасига олишга шошилсалар, саноқли кунлар ичида уларнинг аҳволи ўзгарарди. Уламолар мусулмонларга юклатилган вазифалар ҳақида теран тушунча берганларида эди. Улар мусулмонларни ўз талаблари ортида тура оладиган, жиҳод эълон қилинишини ва Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилишни талаб қиладиган мукаммал Умматга айлантириш ташаббусини кўтарсалар эди, дуруст бўларди. Бунинг ўрнига уламолар одамларга хитоб қилиб, «кўзланган мақсад Аллоҳга дуо қилиб, илтижо қилиш, ёрдам сифатида пул бериш ва мункар ишларни қалбда инкор

этишдир», деб айтишмоқда. Бу билан уламолар Умматга чалғитувчи маълумотларни берган бўладилар. Бу маълумотлар уларни ўзларига юкланган вазифаларидан ва уларнинг аҳволини ўзгартирадиган ҳаётий воқеликдан буриб юборади. Аллоҳга дуо қилиб, илтижо қилиш Уммат, армия, ҳукмдорлар ва уламоларнинг ҳар бири ўз вазифасини бажарганидан кейин бўлади. Демак, уламолар ўз вазифаларини бажармасалар гуноҳга шерик бўладилар.

Мўмин ва мўминалар ўртасидаги дўстлик тушунчасига келсак, у Умматнинг миллат ва элатларга бўлиниб кетиши тушунчасига зиддир. Фирқаланиш Умматни парчалаб юборди. Миср, Иордания ёки Покистон аҳли Косово, Фаластин, Шом ёки Бирма аҳлининг азоб-уқубатини кўрмайдиган бўлиб қолди. «Иордания биринчи», «Миср – мисрликлар учун» деган ичи бўш шиорларни кўтариб юришибди. Шундай қилиб, Қуръони Карим уларни бир-бирлари учун масъул қилган бўлса ҳам, парча-парча бўлиб бўлиниб кетавердилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا وَكُنْتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُمْ مِنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ﴾

«Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғлангиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъматини сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қилади» [Оли Имрон 103]

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾ وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ﴾

«Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир. Кимки Аллоҳни, унинг пайғамбарини ва

мўминларни дўст тутса, (нажот топгай). Зеро, фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир» [Моида 55-56]

Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти.

Анас رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ، لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ مِنَ الْخَيْرِ»

«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, сизлардан бирортангиз яхши кўрган нарсасини биродари учун ҳам илинмагунича мўмин бўла олмайди». Табароний Росулulloҳ ﷺнинг қўидаги ҳадисини ривоят қилади:

«أَوْثَقُ عُرَى الْإِيمَانِ: الْمَوَالَاةُ فِي اللَّهِ وَالْمَعَادَاةُ فِي اللَّهِ، وَالْحُبُّ فِي اللَّهِ وَالْبُغْضُ فِي اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ»

«Иймоннинг энг мустаҳкам ришталари: Аллоҳ учун дўст тутиш ва Аллоҳ учун душман бўлиш, Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш».

Мўмин ва мўминалар ўртасидаги умумий дўстлик тавба сурасида белгиланган:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар, намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир» [Тавба 71]

Бу оятдан биламизки, Аллоҳ Таоло мўмина аёлнинг уй бекаси, турмуш ўртоқ, опа-сингил, она ва умумий ҳаётдаги мўмина сифатидаги роли билан бир қаторда, у зиммасига оладиган турли ролларни баён қилган. Бу унинг мўмин ва мўминалар ўртасидаги умумий дўстликдаги ролидир. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, Аллоҳ ва Унинг Росули ﷺга итоат қилиш бу дўстликнинг рукнларидандир.

Дўстлик – қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш, маслаҳат бериш ва масъулиятларни кўтариш каби маъноларни ўз ичига олади.

Шундан кейин ҳеч бир муслмон муслмонлар масалалари олдида ўз бурчини бажаришдан қочмайди. Шундан сўнг ҳеч бир муслмон муслмонлар масалалари олдида ўз бурчини бажаришдан қочиб, менинг бурчим ўзимга ва аҳли оиламга чекланган деб ўйлаши мумкин эмас. Аксинча, у ўзи ва оиласи олдидаги бурчини адо этиш доирасидан чиқиб, мўмин ва мўминалар ҳам Уммат масалалари олдидаги ролини бажариши, масъулиятини адо этиши керак. Агар бу муслмонларнинг биргаликда ҳаракат қилишини, ушбу вазифаларни адо эта олишлари учун ҳизб ташкил қилишни талаб қилса, буни қилиш уларга вожиб бўлади. Чунки вожиб нима билан тамомига етса, у ҳам вожибдир. Албатта мўмин ва мўминалар ўртасидаги дўстлик тушунчаси уларнинг ҳар бирига боғлиқ бўлган вазифа, рол ва бурч тушунчасига боғлиқдир. Шунини таъкидлаш лозимки, муслмонлар ёлғизликка қараганда бирлашган пайтларида кучли ва қудратли бўладилар. Уларнинг бундай ҳолатларда бирлашиши вожибдир. Шунда ожизлик ва заифлик сифати уларни тарк этади. Демак, муслмонларнинг дўстлик тушунчалари, вазифа ва бурч тушунчалари жавобгарлик ва муҳосаба тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аллоҳ буюк ва билгувчидир!

Устоз Абдуссалом Ёсин роҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар иймон мўминлар ўртасидаги дўстликнинг илдизи бўлса, унинг ибодатдаги исботи намозни масжидда жамоат билан адо этишдир».

«إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَعْتَادُ الْمَسَاجِدَ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ»

«Агар масжидларга одатланган кишини кўрсангиз, унинг иймонига гувоҳлик беринг». Бу ҳадиси шарифни Термизий ривоят қилган ва ҳасан ҳадис деб айтган. Иймоннинг амалдаги исботи яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш, эзгу ишларда ҳамкорлик қилиш, ботил ўрнида ҳақиқатни, фитна давлати ўрнида Ислому давлатини ўрнатиш, шайтон ва унинг издошлари макрига Аллоҳнинг ва Унинг дўстларининг макри билан қарши туришдир¹. □

⁽¹⁾ Мўминлар орасидаги дўстлик, Мажид Фулуҳ.

**ФЕМИНИЗМ ВА ГОМОСЕКСУАЛИЗМ МАДАНИЯТИНИНГ
ТАРҚАЛИШИДА ХАЛҚАРО ВА НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
РОЛИ**

Айман Салоҳ – муборак Фаластин замини

Халқаро ташкилотлар пайдо бўлишининг илк бошланиши халқаро конференциялар ғояси билан боғлиқ бўлиб, буюк давлатлар ундан мустамлакачилик воситаси сифатида фойдаланишган. Ушбу конференцияларга доимийлик элементи берилиб, улар давлатлардан мустақил равишда ўз хоҳиш-иродаларига эга бўлганидан кейин, халқаро ташкилотлар уларнинг давомчиси бўлиб қолди.

Халқаро ташкилотлар атамаси биринчи марта 1919 йилда Версал шартномасида қўлланган. Бу атама биринчи марта ҳукуматлар ўртасидаги мувофиқлаштирувчи органни ифодалаш учун шартномага киритилди. Кейинчалик халқаро ташкилотлар атамаси Миллатлар Лигаси устави ва Халқаро Суд ташкилоти дастурида қўлланди ҳамда Халқаро суднинг асосий низомига киритилди. Кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иккинчи жаҳон урушидан сўнг ташкил топган энг юқори ташкилот эканлигини ҳисобга олиб, халқаро ташкилотлар атамасини мерос қилиб олди. Шундай қилиб, ҳам ҳукумат ташкилотлари ва ҳам ноҳукумат ташкилотлар каби кўплаб халқаро ташкилотлар, шунингдек, ноҳукумат халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат маҳаллий ташкилотлар пайдо бўлди. Чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар масалалар билан боғлиқ мақсадлари бор. (Ал-Ваъй журналининг 438-439-440 махсус сонидagi «БМТ янги глобал динга чақирмоқда», номли мақолага қаранг). Ушбу мақсадларга эришиш ва БМТ номидан турли вазифаларни адо этиш учун кўплаб ихтисослашган идоралар ташкил этилди.

Халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотлар таърифи

Энг муҳим ташкилотларнинг қисқача тавсифини қуйидагича бериш мумкин:

– **Халқаро давлат ташкилотлари:** Улар аъзолари фақат БМТ томонидан тан олинган давлатлардан бўлган ташкилотлардир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи халқаро давлат ташкилотидир. Кўп сонли ихтисослашган халқаро давлат ташкилотлари ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бўйсунди.

– **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари:** Булар БМТ ва бир-бирлари билан ҳамкорлик қилувчи муассасалардир. Улар БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг мувофиқлаштириш механизми орқали ҳукуматлараро даражада ҳамда БМТнинг мувофиқлаштириш бўйича Бош ижрочи кенгаши орқали қўшма котибият даражасида ҳамкорлик қиладилар. Бунга БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКО, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

– **Ноҳукумат халқаро ташкилотлар:** Уларнинг аъзолари маҳаллий фуқаролик жамияти ташкилотлари, (бирлашмалар ва хайрия жамиятлари), шахслар ва гуруҳлар каби ноҳукумат ҳайъатлардир. Уларга аъзо бўлганлар суверенитетга эга бўлган давлатлар эмас. Улар шахсий манфаатлар ҳақида қайғуриш учун тузилган. Баъзи ташкилотлар Amnesty International, Халқаро қизил хоч қўмитаси, Чегара билмас шифокорлар, Халқаро қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари федерацияси ва бошқалар каби давлат ташкилотларида маслаҳатчи мақомига эга бўлишлари мумкин.

– **Ноҳукумат ташкилотлар ёки фуқаролик жамияти ташкилотлари (NGOs):** улар ихтиёрий, ноҳукумат ва нотижорат ташкилотлар бўлиб, ҳукуматлардан мустақил равишда жамоат манфаатлари йўлида ишлайди. У ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилиши ёки улардан ёрдам ва молия олиши мумкин. Аммо улар ҳукуматлар назоратисиз ташкил этилган ва уларнинг назоратисиз фаолият олиб боради. Халқаро ҳуқуқий муносабатлар одатда давлатлар вакили бўлган ҳукуматлар ўртасида содир бўлсада, ноҳукумат ташкилотлар халқаро миқёсда аралashi мумкин. Фуқаролик жамияти ташкилотларининг бир нечта давлатларда бўлимлари бўлиши мумкин.

Халқаро ҳукумат ташкилотлари, ноҳукумат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўзаро муносабатлар тармоғи билан боғланган бўлиб, бу тармоқ уларнинг барчасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига таянадиган қилиб қўяди ва унинг режаларини амалга оширади. Бу ташкилотлар халқаро иш-фаолиятнинг энг муҳим воситаларидан бирини шакллантирди. Шунингдек, улар

халқаро ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида замонавий халқаро ҳамкорлик қуролига айланди. Қўйида биз фуқаролик жамияти ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги боғлиқликка ҳамда улар томонидан ягона дастур қўлланишига аниқлик киритамиз. Бунинг учун аёллар, феминизм ва гендер масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлардан бирини мисол қилиб оламиз. Бу «Халқаро оилани режалаштириш федерацияси»дир. У халқаро ноҳукумат ташкилот бўлиб, унинг аъзолари аёллар масалалари бўйича иш олиб борувчи фуқаролик жамияти ташкилотларидир ва бундай ташкилотлар 142та давлатда мавжуд. У аксарият араб мамлакатларида фуқаролик жамияти ташкилотларидан бири сифатида мавжуд бўлиб, «Оилани режалаштириш ассоциацияси» ёки «Оилани режалаштириш ва ҳимоя қилиш ассоциацияси» каби номларни олган ва аксарият шаҳарларда унинг филиаллари мавжуд. Унинг барча филиаллари «Халқаро оилани режалаштириш федерацияси»нинг қарашлари ва мақсадларига содиқ. Бу федерациянинг қарашлари ва мақсадлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарашлари ва мақсадларининг бир қисмидир. Турли филиаллар бир-бирлари билан ва бошқа давлатлардаги филиаллар билан иш фаолиятини мувофиқлаштирган. Улар феминизм ва гендер тушунчаларини тарғиб қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишади. Уларнинг фаолияти БМТ агентликлари, баъзан АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги каби йирик мустамлакачи давлатларга қарашли агентликлар томонидан молиялаштирилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг феминизм ва гомосексуализм маданиятини тарқатишдаги роли

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёллар масалалари бўйича иш олиб борувчи кўплаб агентлик ва органлари мавжуд бўлиб, улар феминизм ва гомосексуализм маданияти тарқалишига ҳисса қўшади ҳамда бу соҳада халқаро конференция ва келишувларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этади. Бу органларнинг энг муҳимлари: БМТнинг хотин-қизлар мақоми бўйича комиссияси, БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси, БМТнинг аёлларни ривожлантириш жамғармаси, БМТнинг тараққиёт дастури, Аёллар малакасини ошириш бўйича халқаро тадқиқот ва ўқитиш институти, БМТ университети, БМТнинг ижтимоий

ривожланиш тадқиқот институти ва аёлларга нисбатан камситиш бўйича суд-ҳуқуқ қўмитаси, БМТнинг болалар жамғармаси, БМТнинг аҳоли пунктлари маркази, БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссарлиги, БМТнинг таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ЮНЕСКО ташкилоти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз низомига ва Бош ассамблея резолюцияларига «гендер» атамасини киритишга қаттиқ ҳаракат қилди. Бунинг учун халқаро конференциялар уюштирилиб, унда ушбу атама ва у ўз ичига олган маъноларни иштирокчи давлатларга сингдириш учун мумкин бўлган стратегия кўриб чиқилди. Ушбу конференциялар томонидан тайёрланган ҳисоботлар бажарилишини таъминлаш учун БМТнинг махсус дастури ҳам мавжуд. Ўтказилган ҳар бир халқаро конференциядан сўнг иштирокчи давлатларнинг ушбу конференция ҳужжатиغا қанчалик амал қилишини кўриб чиқиш учун ҳар йили ҳукумат партиялари ва ноҳукумат ташкилотлар иштирокида конференциялар, шунингдек, БМТ бош ассамблеяси сессиялари ўтказилади. Талаблар бажарилмаган тақдирда, ушбу қарорлар бажарилишини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти ташкилотларига ушбу давлатларга босим қилиш вазифаси юкланади. Қарорни рад этган ёки уни бажаришга иккиланаётган давлатларга санкциялар қўлланади. Айни пайтда қарорни бажарган давлатларга ёрдам, қарз ва шунга ўхшаш нарсалар берилади.

БМТ ва унга алоқадор ташкилотлар ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича иш олиб борувчи фуқаролик жамияти ташкилотлари феминизм маданиятини ва гендер тушунчаларини ёйиш учун бир нечта ёндашувлардан фойдаланишади. Бундай ёндашувларнинг энг муҳимлари:

- **Инсон ҳуқуқи ва асосий эркинликлар:** эркак кишининг раҳбарлигига қарши курашиш, гендер тенглик ҳамда зино ва гомосексуал муносабатларни ўрнатиш эркинлиги тушунчаларини киритишда айни шу тушунчалардан фойдаланилади.

- **Аёлларга нисбатан зўравонлик масалалари:** шаръий никоҳ ва эрта турмуш қуришни тўхтатиш тушунчалари ва атамаларини ёйишда, шунингдек, оилавий зўравонлик ва тегажоғлик атамасини ёйишда шу ёндашувдан фойдаланилади.

• Гендер тенглик, жинсий ва репродуктив саломатлик тушунчаларини ёйишда, шунингдек, жамиятда зино, фоҳишалик ва гомосексуализмни нормал муносабатга айлантиришда «Саломатлик ва касалликлардан, айниқса, ОИТСдан сақланиш» атамасидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, уй-жой, шаҳарсозлик, барқарор ривожланиш, аёлнинг муносиб уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи, фожа, уруш ва можароларда гуманитар ёрдам кўрсатиш ишлари ва аёлнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи каби бошқа ёндашувлардан ҳам фойдаланилади.

Феминизм ва гендер ғояларини ёйиш учун БМТ томонидан аёллар масалалари бўйича кўплаб конференциялар ўтказилди. Бундай конференцияларнинг энг муҳимлари:

1 – Халқаро хотин-қизлар йили муносабати билан 1975 йили Мексикада ўтказилган халқаро конференция: бу БМТнинг аёллар масалаларига бағишланган биринчи конференцияси бўлиб, унинг шиори «Тенглик, тараққиёт ва тинчлик» бўлган ва бу конференцияда 133та давлат иштирок этган. Унда аёлнинг сиёсий ва ижтимоий соҳаларда ҳукумат ва ноҳукумат даражадаги мақомига алоқадор биринчи глобал режа қабул қилинди. Ушбу конференция¹ ҳисоботи феминизм ва гендер ғояларига чақиритишни ўз ичига олади. Конференция тавсияларига биноан беш ойдан сўнг БМТ Аёллар Ўн Йиллиги (1976-1985) эълон қилинди. Конференция гендер тенглиги бўйича глобал мулоқотни очиш орқали аёллар ривожланишига кўмаклашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатнинг янги даврини бошлади. Ўн йилликда тенглик, тинчлик ва тараққиётга доир қуйидаги учта мақсад белгиланди:

1. Икки жинс ўртасидаги тўлиқ тенглик ва гендер камситишларига барҳам бериш.

2. Тараққиётда аёлларнинг интеграцияси ва тўлиқ иштироки.

3. Аёлларнинг дунё тинчлигини таъминлашга қўшган ҳиссасини ошириш.

Конференция ҳукуматларни унинг қарорларига мос келадиган миллий стратегиялар, мақсадлар ва устувор

(1) Ушбу конференция қарорлари БМТнинг веб-сайтида эълон қилинган.
<https://www.un.org/ru/conferences/women/mexico-city1975>

масалаларни шакллантиришга чақирди. Бу аёллар малакасини ошириш бўйича Халқаро тадқиқот ва ўқитиш институти, шунингдек, БМТнинг аёллар учун тараққиёт жамғармаси ташкил этилишига олиб келди. Кейинчалик БМТ аёллар ҳайъати ташкил этилиши учун улар 2010 йилда БМТнинг бошқа иккита ташкилоти билан бирлаштирилди.

2 – БМТ бош ассамблеясининг CEDAW конвенциясини тасдиқлаш бўйича 1979 йилда ўтказилган конференцияси: Конференция иштирокчилари ёмонлиги билан машҳур CEDAW конвенциясини (Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция) тасдиқлашди. Бу конвенция Ислом аҳкомларига ҳамда Аллоҳ Таоло инсонларни яратган фитратга (табiiй хилқатга) зиддир. У эркак кишининг аёл билан муносабатларини тартибга солиб, шу муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қиладиган шаръii аҳкомларга альтернатива сифатида тақдим этилган. У Исломдан бўлмагани учун куфр аҳкоми бўлиб, ундан ҳукм сўраш жоиз эмас. Унинг шарият аҳкомларига зидлиги ҳақида бир нечта тадқиқот ва фатволар чиқарилган.

3 – 1980 йил Копенгагенда ўтказилган БМТ Аёллар Ўн Йиллигининг бутунжаҳон конференцияси: бу аёлларга бағишланган иккинчи конференциядир. У 1975 йилда Мексикада бўлиб ўтган Халқаро хотин-қизлар йили бўйича биринчи жаҳон конференцияси тавсияларини амалга оширишда эришилган ютуқларни кўриб чиқиш ва баҳолаш, шунингдек, Халқаро Аёллар Ўн Йиллигининг иккинчи ярми билан боғлиқ дастурларга тузатишлар киритиш учун ўтказилди. Бу конференцияда аёлларнинг мулкка эга бўлиши ва бойликларга ҳукмронлик қилишини таъминлаш учун кучли миллий тадбирлар олинишига чақириқлар бўлди. Шунингдек, меросга шерик бўлиш, боланинг васийлиги ва фуқаролиги борасида аёл кишининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилаш масалалари кўтарилди.

4 – БМТ Аёллар Ўн Йиллигининг тенглик, тараққиёт ва тинчлик борасида эришган ютуқларини кўриб чиқиш ва баҳолаш бўйича 1985 йили Найробида ўтказилган бутунжаҳон конференцияси: бу 1986 йилдан 2000 йилгача аёллар учраши мумкин бўлган муаммоларга бағишланган учинчи конференция бўлиб, у «Аёллар мавқеини яхшилаш учун Найробининг

истиқболли стратегиялари» номи билан танилган. Унда Мексика ва Копенгаген конференцияларининг қарорлари тасдиқланди. Конференция иштирокчилари 1986 йилдан 2000 йилгача бўлган давр давомида қарорларни бажариш йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш зарурлигини муҳокама қилишди.

5 – 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган аёлларга бағишланган тўртинчи бутун жаҳон конференцияси: Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти XX аср охирига қадар аёллар мавқеини яхшилаш бўйича Найроби стратегияси мақсадларига эришишга қаратилган саъй-ҳаракат ва чора-тадбирларни икки баравар оширишга чақирди. Бу конференция Ислом шариатига ва Аллоҳ Таоло инсонни яратган табиий хилқатга зид бўлган бир қатор ишларга очиқ ва равшан чақириши билан ажралиб туради. Масалан, самовий шариатлар қарорларини ҳамда табиий хилқат, аёл табиати ва тузилиши талабларини ҳисобга олмаган ҳолда, Исломга зид тушунчадаги эркинлик ва тенгликка... эркак ва аёл ўртасидаги ҳар қандай тафовутни йўқ қилишга... шаръан ҳаром қилинган жинсий муносабатларга кенг йўл очишга... жинсий муносабат эркинлигига руҳсат беришга... эрта турмуш қуришни тўхтатишга... ҳомиладорликни олдини олувчи воситаларни тарқатишга... эркак уруғи унумдорлигини чеклашга... хавфсиз абортга руҳсат беришга... ўғил бола ва қизларнинг аралаш таълим олишига эътибор бериб уни ривожлантиришга... ўғил бола ва қизларга эрта ёшда жинсий тарбия беришга эътибор қаратишга... бу мақсадларга эришиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга чақиради. Ушбу конференцияда беҳаёлик эълон қилинди, оталарнинг фарзандларга васийлик қилиши ва эркакларнинг аёлларга раҳбарлик қилиши инкор этилди.

6 – БМТнинг 2000 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган аёлларга бағишланган конференцияси – XXI асрда тенглик, тараққиёт ва тинчлик: унда CEDAW конвенциясининг барча ғоялари ва олдинги конференциялардаги ғоялар илгари сурилди. Фоҳишалар учун янги номлар, яъни секс ходималар, деган ном яратилди. Уй ишлари ҳақ тўланмайдиган иш, деган баҳона билан аёллар уй ишларидан воз кечишга тарғиб қилинди. Эркак кишини ўз хотинини зўрлаганликда айблаб суд қилиш учун ҳукуматлар оилавий судлар ташкил этишга чақирилди.

Давлатлардан гомосексуалликни жиноят деб ҳисоблайдиган қонунларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш талаб қилинди. Шунингдек, 1995 йилдаги Пекин конференциясига асосан баъзи давлатлар томонидан намоиш қилинган консерватизмни бекор қилиш талаб қилинди.

БМТнинг аёлларга бағишланган асосий тўртта конференцияси оритдан ҳар беш йилда бир қатор текширувлар ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеяси ушбу конференциялар қарорлари қай даражада амалга оширилганини муҳокама қилиш, шунингдек, давлатлар томонидан ушбу конференциялардаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича ташаббус ва чора-тадбирларни белгилаш учун 2005, 2010, 2015 ва 2020 йилларда сессиялар ўтказди.

Аёлларга бағишланган ушбу конференциялардан ташқари, бошқа масалаларга, хусусан, аҳоли, атроф-муҳит ва тараққиётга бағишланган кўп конференцияларда феминистик муаммолар ва ғояларни, гендер тушунчасини муҳокама қилишга қаттиқ ҳаракат қилди. Ушбу конференциялар қарорларига имкон қадар кўпроқ феминистик тавсиялар киритилди. Уларнинг орасида қуйидаги конференциялар бор:

1 – 1974 йилда Руминияда бўлиб ўтган биринчи бутунжаҳон аҳоли конференцияси: бу конференцияда глобал иш режаси қабул қилинди. Унда қуйидагиларга чақирилди: аёлнинг жамиятдаги ролини ва унинг тўлиқ интеграциялашувини кучайтириш; Ҳаётнинг барча соҳаларида аёлга эркак кишининг ҳуқуқи билан тенг ҳуқуқ берилиши; Туғилишни чеклаш ва аёлнинг фертиллиқ (унумдорлик) даражасини пасайтириш.

2 – 1948 йилда Мексикада бўлиб ўтган аҳоли бўйича халқаро конференция: Бу конференцияда феминизм ва гомосексуализмнинг энг муҳим ғояларига чақириқлар йўлланди. Бу чақириқлар: аёл ва эркакнинг тўлиқ тенглиги; Турмуш қуриш ёшини кўтаришга чақириш; Фарзанд туғишни кечиктиришга рағбатлантириш; Отани уй-рўзғор ишларига жалб қилиш; Оиладаги масъулиятни онага юклаш; Оиланинг турли ва кўп шакллари тан олиш; Ўсмир бола ва қизларга жинсий тарбия беришга чақириш; Оила ташқарисидаги жинсий муносабатларни тан олиш ҳамда уларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва уларни муносиб уй-жой билан таъминлаш.

3 – 1990 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган бутунжаҳон болалар саммити: унда 1989 йилда БМТ бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция муҳокама қилинди ва уни ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги таъкидланди. Буларга қуйидагилар киради: Боланинг фикр, виждон ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқи; Ота-оналарнинг фарзандлари устида васийлик ҳуқуқини олиб ташлашга чақириш; Репродуктив саломатликдан таълим бериш орқали ўсмирларга гендер ва гомосексуализм маданиятини беришга чақириш.

4 – 1992 йилда Рео-Де-Жанейрода (Бразилияда) бўлиб ўтган бутунжаҳон атроф-муҳит ва ривожланиш конференцияси: аслини олганда бу конференция атроф-муҳит, иқлим ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ бўлсада, бироқ унинг асосий қисми аёл ҳуқуқини, гендер тушунчасини татбиқ этиш муҳимлигини ҳамда ривожланишни амалга оширишда аёлнинг ижтимоий ва иқтисодий мавқеини яхшилашга бағишланди. Унда хавфсиз ва самарали профилактика, даволаш ва репродуктив муассасаларни барпо этишга, туғилишни чеклашга, шунингдек, аёлларнинг эркаклар билан тенг бўлишига тўсқинлик қилаётган конституциявий, ҳуқуқий, маъмурий, маданий, ижтимоий, иқтисодий ва турмуш тарзга оид тўсиқларни бартараф этиш бўйича стратегияларни ишлаб чиқишга чақирилди. Бу конференциядан кейин аёллар муаммолари ва гендерлик масалалари барқарор ривожланишнинг ажралмас бир қисмига айланди. Шунингдек, у атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳар қандай халқаро ёки минтақавий конференция фаолиятининг бир қисмини эгаллайдиган бўлди. Бундай конференцияларга 2002 йилда Йоханнесбургда бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича бутунжаҳон саммитини, 2022 йилда Шармуш Шайхда бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

5 – 1993 йилда Вена шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари конференцияси: бу конференцияда аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий инсон ҳуқуқларидан ва булардан бошқа ғарб тушунчасидаги ҳуқуқлардан тўлиқ ва тенг равишда фойдаланишига ҳамда бу масала ҳукуматлар учун устувор аҳамиятга эга бўлишига

чақирилди. Аёлларнинг эркаклар билан тўлиқ тенглиги каби аёлларга хос масалалар ўртага ташланди. Ривожланиш жараёнида иштирокчи ва манфаатдор деган эътиборда аёлларни бу жараёнга интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди. Аёлларга нисбатан яширин ёки ошкора камситишнинг барча турларига барҳам беришга чақирилди. Унда, шунингдек, 2000 йил кириб келгунига қадар аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция барча давлатлар томонидан глобал миқёсда тасдиқланиши талаб қилинди.

6 – 1994 йилда аҳоли сони ва ривожланиш бўйича Қоҳирада бўлиб ўтган халқаро конференция: бу конференцияда олдин Пекинда бўлиб ўтган тўртинчи аёллар конференциясида айтиб ўтилган масалаларга тамоман ўхшаш бўлган масалалар муҳокама қилинди. Гендер ғояси ривожланиш талабларининг бир қисми сифатида муҳокама қилинган масалалар қаторига киритилди.

7 – 1995 йилда Копенгагенда бўлиб ўтган бутунжаҳон ижтимоий ривожланиш саммити: унда оиланинг турли шакллари тан олинди, эркак ва аёл ўртасидаги тенгликка, жумладан, оилада аёл устидан эркак кишининг раҳбарлик қилишини бекор қилишга, эркакни уй-рўзғор юкини кўтаришга ва аёл кишини меҳнат бозорига чиқиб унга ҳисса қўшишга чақирилди.

8 – БМТнинг 1996 йилда Туркияда бўлиб ўтган аҳоли пунктлари бўйича (Хабитат 2) конференцияси: унда аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлашга, янги аҳоли пунктларини ривожлантиришда гендер тенглигини таъминлашга, шунингдек, янги аҳоли пунктлари билан боғлиқ қонун, дастур ва лойиҳаларга гендер масалаларини интеграциялаш мажбуриятини олишга чақирилди. Одатда эркак ва аёлдан ташкил топадиган табиий эмас, балки икки эркакдан ёки икки аёлдан ташкил топадиган оиланинг турлича шаклларини эътироф этиш таъкидланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказилган ҳар бир конференциядан сўнг, одатда, рол навбати БМТ агентликлари ва ноҳукумат ташкилотларга келади. Улар регионал конференцияларни ўтказиш орқали БМТ

конференциялари тавсиялари бажарилишини назорат қилади. Регионал ташкилотлар бир қатор регионал конференцияларни ўтказган. Араб давлатларида ўтказилган энг муҳим регионал конференцияларни қуйида келтирамиз:

1 – 2000 йил Баҳрайнда «Имкониятлар, тўсиқлар ва талаб қилинган роллар» шиори остида ўтказилган Кўрфаз аёллари ва Учинчи минг йиллик конференцияси: Баҳрайн ёш-қизлар уюшмаси уюштирган бу конференцияда Кўрфаз давлатларининг ҳар биридан бир қатор аёл ва эркак арбоблар иштирок этган.

2 – 1999 йил Аддис-Абебада БМТ иқтисодий комиссиясининг Африка бўлими уюштирган олтинчи аёллар конференцияси.

3 – 2008 йил Абу Дабида ўтказилган «Аёллар инсон хавфсизлиги тушунчаси ва масалаларида: араб ва халқаро истиқбол» конференцияси: Араб аёллари ташкилоти томонидан уюштирилган бу конференцияда кўпчилик араб давлатларидан келган вакиллар иштирок этган.

4 – 2019 йил Аммонда ўтказилган «Аёллар, хавфсизлик ва тинчлик: қўлга киритилган тараққиёт меъёри ва камчиликларни бартараф этиш» конференцияси: бу конференция БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий комиссияси томонидан Араб давлатлари лигаси, БМТнинг гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича ташкилоти ҳамда Ливан-Америка университети қошидаги аёллар учун Араб давлатлари институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Бу конференцияда минтақа давлатларидаги аёллар масалалари билан шуғулланувчи кўплаб қарор қабул қилувчилар ва юқори лавозимли расмийлар, бундан ташқари, бир қатор фуқаролик жамияти ташкилотлари иштирок этди.

5 – 2000 йил ноябр ойида Қоҳирада бўлиб ўтган Араб аёллари саммитининг биринчи конференцияси.

6 – 2017 йилдаги ижтимоий масъулият марказининг иккинчи аёллар конференцияси: конференция Регионал ижтимоий масъулият тармоғи қошидаги Аёлларнинг ижтимоий масъулият маркази томонидан уюштирилди.

7 – 2022 йил Марокашнинг Фес шаҳрида бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари ходималарининг олтинчи халқаро конференцияси.

8 – 2023 йилда бўлиб ўтган араб давлатларидаги аёлларнинг еттинчи «Ижтимоий масъулият» конференцияси: шунингдек, конференция кўп сонли араб давлатлари аёлларининг кенг доирадаги иштирокида «2023 йил учун ижтимоий масъулият соҳасида профессионал араб аёллар форуми» фаолиятини бошлади.

Феминизм ва гомосексуализм маданиятининг тарқалишида ноҳукумат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг роли

Халқаро ҳукумат ташкилоти бўлган ЮНЕСКО аксар мамлакатларда гендер тушунчасини таълим программаларига киритишга муваффақ бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аксар давлатларни CEDAW конвенциясини имзолашга мажбурлашга муваффақ бўлди. Аёллар ва болалар масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти ташкилотлари бир-бирини тўлдирувчи, биринчиси жамоатчиликка, иккинчиси ҳукуматларга тегишли бўлган иккита рол орқали феминизм, гендер, жинсий алоқа ва гомосексуализм маданиятини тарқатиш устида ишлайди.

Жамоатчиликдаги ролига келсак, улар мактабларда гендер тушунчаларини БМТ томонидан қабул қилинган тушунчаларга мувофиқ ўқитилишини кузатиб боради ҳамда ўқув программаларида мавжуд бўлган гендер тушунчаларини тушунтирувчи нашрларни ўқувчи болалар ва қизларга тарқатади. Турмуш қуриш ва унинг масъулиятларига, айниқса, эрта турмуш қуришга нисбатан нафрат уйғотади. Контратсептив (ҳомиладорликни олдини олувчи) воситалар ва презервативларни тарқатади ҳамда абортга муҳтож бўлганларга аборт хизматини таклиф қилади. Бу мавзуларда йўл-йўриқ кўрсатувчи йиғилишларни ўтказади. Ушбу тушунчаларни қабул қилиши мумкин бўлган ва бу тушунчалар таъсир этиши мумкин бўлган танланган муаллимлар, шунингдек таълим маслаҳатчилари учун ҳам тажрибавий ўқув қўрсаткичлари ташкил этилади. Гендер тушунчаларини талабаларга қандай қилиб самарали ўргатиш учун ўқув қўлланмаларини тайёрлайди. Аёллар ва болалар масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти ташкилотлари жамиятнинг турли қатламлари учун йиғин ва семинарлар ўтказади. Кўпроқ қашшоқ жамиятлар ва аёллар қатлами уларнинг нишонидан

бўлади. Феминистик маданият уларга кундалик ҳаётларининг табиий қисми ёки риоя қилишлари керак бўлган универсал фикр ва инсон ҳуқуқларининг бир қисми сифатида таклиф этилади. Аслини олганда Ғарб аёли ушбу эркинлик ғоялари ва хатти-ҳаракатлари туфайли қон йиғлаётган бўлсада, Улар муслима аёлга Ғарб аёли ушбу либерал ғоялар ва хатти-ҳаракатлар туфайли ривожланган ва бахтлидир деган тасаввурни бериб, уни чалғитиб алдашмоқда. Шунингдек, Ғарбнинг либерал ғоя ва хатти-ҳаракатларини қабул қилишга мажбурлаш учун покиза муслима аёлларга фикрий терроризмни қўллашмоқда.

Ушбу ташкилотлар йигит ва қизларни эркак ва аёл ўртасидаги тўсиқларни бартараф этишга ва ҳаё тушунчаларига зарба беришга қаратилган тадбирларда бир жойга тўплайди. Эркаклик ва аёллик тушунчасини емириш учун эркак ва аёллар иштирокини талаб қиладиган машғулотларни ўтказиш орқали эркакларни аёлларга аралашиб юришини одатий ҳолга айлантиради. Баъзан эркак ва аёллар аралашуви уларнинг кўнгилли ишларда иштирок этаётгани билан оқланади. Масалан, одамлар зайтун териш ва баъзи жамоат жойларини тозалашда қатнашадилар. Нишонга олинган гуруҳларнинг доимий ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида моддий рағбатлантириш орқали одамларни ўзига жалб қилиш учун қашшоқлик ҳолатидан фойдаланилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти феминизм ва гендер маданиятини тарқатишда турли ёндашувлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу ёндашувлардан бири ушбу шубҳали фаолиятларни амалга оширишда баъзи фуқаролик жамияти ёрдам ташкилотларидан ва баъзи халқаро ташкилотлардан фойдаланишдир. Бунга фаластинлик қочқинларга ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боровчи UNRWA агентлигини мисол қилиш мумкин. Агентликнинг асл вазифаси қочқинларга гуманитар ёрдамларни кўрсатишдир. Аммо у гендер маданиятини тарғиб қилиш учун одамларнинг муҳтожлигидан фойдаланади. Агентлик 2023 йил 9 сентябрда 69 саҳифалик «Ахлоқ-одоб кодекси»ни нашр қилиб, уни ўз ходимларига тарқатди. Унда Ислом одоб-ахлоқи ва қадриятларини поймол этишга чақирилган. Чунки унда БМТнинг фикр ва қоидаларига манба

сифатида таяниб, гомосексуализмни ва гомосексуалларнинг мавжуд бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва уларни қабул қилишга, шунингдек, бошқа ҳар қандай манбаларни ва исломий шаръий аҳкомларни рад этишга очиқ чақирилган. UNRWA нашр қилган «Одоб-ахлоқ» кодексига қўйидагилар келган: «UNRWA гендер тенглигини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нуқтаи назарига мувофиқ кўриб чиқади. Бунинг натижасида гендер тенглиги лесбиян, гей, бисексуал, трансгендер, интерсексуал ва гендер турларга (ЛГБТга) татбиқ этилади. Бу маҳаллий маданий урфларга зид келган ҳолатда бизнинг хатти-ҳаракатларимиз халқаро фуқаролик хизматининг хулқ-атвор меъёрларига, БМТнинг бошқа низом ва қоидаларига асосланиши керак».

Фуқаролик жамияти ташкилотларининг ҳукуматларга таъсир ўтказишдаги кучли ролига келсак, бу тўртинчи аёллар конференциясида (Пекин 1995) баён қилинган. Конференция баёнотида қўйидагилар келган: «Ноҳукумат ташкилотлар секторининг, хусусан, аёллар ташкилотлари ва гендер тенгликка чақирувчи гуруҳларнинг ортиб бораётган қуввати ўзгаришларга ундовчи кучлардан бири бўлди. Қонунлар ижросига даъват этиш ёки аёллар тараққиётини таъминловчи механизмларни яратиш соҳасида ноҳукумат ташкилотлар жуда муҳим рол ўйнади. Шунингдек, бу ташкилотлар ривожланишга янгича ёндашиш учун катализатор бўлди... **Аёллар ноҳукумат ташкилотлар орқали фуқаролик, миллий, регионал ва глобал форумларда, халқаро муҳокамаларда муҳим ҳисса қўшиб, кучли таъсир ўтказа олди**»¹.

Шунингдек, БМТ котиби 2016 йилда аёллар мақоми бўйича комиссияга тақдим этган ҳисоботида фуқаролик жамияти ташкилотларининг ролини сарҳисоб қилди. Унда қўйидагича келади: «Фуқаролик жамияти ташкилотлари, айниқса, аёлларни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик гендер нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда 2030-йилги режаларни амалга оширишда муҳим шартлардан бирига айланади»².

(1) Аёлларга бағишланган тўртинчи жаҳон конференцияси ҳисоботи – Пекин 1995 йил 15 сентябр. 26-банд, 16-саҳифа.

(2) БМТ бош котибининг аёллар мақоми бўйича комиссияга олтмишинчи сессияда берган ҳисоботи (2016 йил 14-24 март) ҳисобот сарлавҳаси: «Аёл

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агентликлари, дунё мамлакатларида фуқаролик жамияти ташкилотлари ва бу ташкилотлар аъзоларини ўзларининг кучли қуролига айлантириш учун уларнинг қандай ишлашишини белгилайди. Бу агентликлар миллий ва минтақавий фуқаролик жамияти ташкилотлари аъзолари орасидан босим ўтказувчи тармоқларни шакллантириш учун уларнинг кадрларини ўқитади. Улар янада кучли, таъсирли ва ҳукуматларга босим ўтказишга қодир бўлиши учун уларнинг фаолиятини бошқа тегишли ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштиради. Уларга оммани қандай ҳаракатга келтириш ва жамоатчилик фикрига қандай таъсир ўтказиш ўргатилади. Уларга зарур молиявий ва ахборот ёрдами тақдим этилади. Уларнинг ишлаш усулини қуйидаги босқичларда умумлаштириш мумкин:

1 – Ҳукуматлар томонидан аёллар масалаларига алоқадор халқаро шартнома ва битимлар қабул қилиниши ёки тасдиқланиши учун уларга босим ўтказилади. Одатда, оилани ҳимоя қилиш, турмуш қуриш ёшини кўтариш, оилавий зўравонлик, гомосексуалларга ҳуқуқ бериш ва булардан бошқа муайян қонунлар қабул қилиниши керак бўлганида ҳукуматларга босим ўтказилади. Агар ҳукумат уларнинг талабига жавоб қилмаса, ушбу қонунларни қўллаб-қувватловчи жамоатчилик фикрини пайдо қилиш, оммани бунга сафарбар қилиш, шунингдек, бу қонунларни халқ талабидек қилиб кўрсатиш учун оммавий ахборот воситаларида кампания бошланади.

2 – Агар ҳукуматлар ҳамкорлик қилмаса, феминистик фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳукуматлар томонидан шартнома ва битимлар бажарилмаётгани ҳақида маълумот тўплайди, шунингдек, бунга далиллар келтиришга ва воқеликдаги ҳолатларни – улар ҳақиқий ёки бўрттирилган ҳолатлар бўлишидан қатъий назар – кўрсатишга ҳаракат қилади. Қолаверса, ҳукуматларни бўйсунтиришга ва шартномаларни тўлиқ бажаришга мажбур қилиш учун улар БМТ агентликлари олдида шарманда қилинади.

3 – Феминистик фуқаролик жамияти аъзолари ҳукуматларга қарши яланғочланган қиличга айлантиради. Бу уларга ҳукуматлар билан тузилган шартномалар бажарилишини кузатиш учун ўтказилган йиғинларда кузатувчи сифатида қатнашиш имконини беради ҳамда уларга қўшимча куч бағишлайди ва ҳукуматларнинг ҳисоботлари ҳақида маълумот беради. Бу билан улар учун ҳукумат ҳисоботларидаги заиф нуқталарни излаш, ҳисоботга киритилмаган маълумотларни тайёрлаш ва уларни БМТга тақдим этиш мумкин бўлиб қолади.

4 – Феминистик фуқаролик жамияти аъзолари шахслар билан БМТнинг турли қўмиталари ўртасида воситачилик родини ўйнайди. Агар халқаро шартномалар бажарилмаса шахсларни ҳукуматларга қарши шикоят қилишга ундайди. Масалан, аёлни акаси олган мероснинг ярмини олгани ёки эрининг ишлашига тўсқинлик қилгани учун шикоят қилиш ва булардан бошқа Ислом шариатида зид, лекин ҳукуматлар тасдиқлаган CEDAW конвенциясига мос бўлган ишларга ундалади. Ушбу шикоятлар конвенцияни амалга ошириш учун ҳукуматларга босим ўтказишда ишлатилади.

5 – Ҳукумат маълум бир келишувни тасдиқламаган бўлса, БМТ «махсус чора» деб номланган механизмни ўйлаб топган. Бу механизм унга ҳукуматлари келишувни тасдиқламаган мамлакатлар ишларига аралашиш ва воқелик ҳақида ҳисобот тўплаш учун махсус ташрифларни амалга ошириш имконини беради. Фуқаролик жамияти аъзолари ташриф олдидан ўз фаолиятларини улар билан мувофиқлаштириб, жойларда иш олиб боришади. Бу фуқаролик жамияти аъзоларини ўз ватанлари ва ҳукуматларига қарши БМТ фойдасига ишловчи жосусларга айлантиради.

Бу ташкилотларга нисбатан Исломнинг позицияси

Феминизм ва гендерга чақираётган ташкилотларнинг мақсадларини тушуниш, улар томонидан бузғунчилик қандай амалга оширилаётганини ва уларнинг ортида ким турганини билиш уларга қандай қаршилиқ кўрсатиш кераклигини кўрсатиб беради. Шунинг учун уларнинг айб ва камчиликлари оммага ошкор этилиши, улар томонидан олиб борилаётган даъват ва фаолиятнинг шариат аҳкомларига зидлиги баён қилиниши керак. Уларнинг хорижий ташкилотлар билан боғлангани, шу ташкилотлар кун-тартибини (режаларини)

амалга ошираётгани, ботил даъватлари ва БМТнинг адаштирувчи чақириқлари билан бақириб-чақиришлари эвазига молиявий ёрдам олишаётгани фош қилиниши лозим. Уларга қарши курашиш кўфр ва залолатга бошловчи фикрларга қарши курашишни бир қисми бўлгани учун уламолар, қози ва даъватчилар бу курашда қатнашишга ундалиши керак. Феминистик ташкилотларнинг дастурлари амалга ошишига тўсқинлик қилишда ва феминистик маданиятга қарши жамоатчилик онгини шакллантиришда масъулият уларга юкланиши лозим. Токи, Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدَّوْا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُخْشَرُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар» [Анфол 36]

деб айтган сўзи амалга ошсин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти ташкилотлари дастлаб гўёки хизмат кўрсатиш фаолиятлари билан шуғулланаётгандек бўлиб кўринади. Уларнинг орасидаги феминистик ташкилотлар эса, Исломга қарши феминистик режаларни амалга ошириш учун баъзи хизмат кўрсатиш тадбирларидан фойдаланади. Лекин Исломда хизмат кўрсатиш ишлари давлат томонидан амалга оширилиши керак. Чунки умумий хизматлар давлат бажариши вожиб бўлган ишларнинг бир қисми бўлиб, бу хизматларни давлатдан бошқа ҳеч ким ўз зиммасига олиши жоиз эмас. Аммо давлатдан бошқа томонларнинг бу хизматларни ўз зиммасига олишига келсак, бу давлатнинг ишида у билан рақобатлашишдир ва бу жоиз эмас. Шундай экан, агар бу хизматларни ўз зиммасига олган ташкилотлар ташқи ташкилотлар режаларига боғланган бўлса қандай бўлади?! Бундан ташқари, фуқаролик жамияти ташкилотларининг ўз фаолиятини хорижий ташкилотлар ва давлатлар ҳукуматлари билан келишган ҳолда амалга ошириши халқаро муносабатларга аралашиш демакдир. Ҳолбуки, халқаро муносабатлар давлатга чекланиши керак. Шунингдек,

ташқи ёрдамга таяниб хизматларни тақдим этиш давлат суверенитетини қисқартиради ва уни шантажга дучор қилади. Шунинг учун у ҳаром ишларга восита бўлиб, шаръан жоиз эмас. Шу боис, Исломий давлатда фуқаролик жамияти деб номланган ташкилотларнинг бўлиши, ҳатто улар маҳаллий бўлиб, хорижга алоқаси бўлмаса ҳам, таъқиқланади. □

**Германия режими «Ечим Халифаликдадир» шиорига қарши
чора қўллаш масаласини ўрганмоқда**

Германиянинг Гамбург шаҳрида 1000дан зиёд мусулмонлар иштирокида ўтказилган намойишдан сўнг, шаҳар полицияси раҳбари намойишда «Германия қадриятлар диктаторидир» ва «Ечим Халифаликдадир» каби кўтариб чиқилган шиор ва плакатларни суд экспертизасидан ўтказишни эълон қилди. 2024 йил 27 апрел шанба кунги ушбу намойишда кўтарилган энг кўп шиор «Ечим Халифаликдадир» шиори бўлди ва унга нисбатан мамлакатда жуда кўп муносабатлар билдирилди. 2024 йил 29 апрел душанба куни «ZDF» телекомпаниясининг иккинчи каналига берган интервьюсида полиция раҳбари «Лекин конституциямизда йиғинлар ўтказиш эркинлиги ва сўз эркинлиги нуқтаи назаридан экстремистик фикрга оид намойишларга рухсат берилгани ҳам ҳақиқат», деди. «Биз полициямиз, қонунимиз эса нейтрал» деди ва йиғин ўтказиш ҳуқуқи, асосан, йиғиннинг тинч ва осойишта ўтиш-ўтмаслигига боғлиқлигини таъкидлади. Конституцияни ҳимоя қилиш бўйича Гамбург давлат ички разведкасига кўра, намойиш ҳақида хабардор қилган шахс экстремистик, деб таснифланган «Муслим интерактив» ҳаракатига алоқадор бўлиб, бу ҳаракат Германияда 2003 йилдан бошлаб тақиқланган Ҳизб ут-Таҳрирга мафкуравий жиҳатдан алоқадор ҳисобланади. Ўз навбатида, Германия Федерал канцлери Олаф Шольц айти мавзуда «Бир нарса аниқ бўлиши керак: барча жиноятлар Германия Федератив Республикаси қонунларини бузган жойда жавобгарликка тортилиши шарт», деди. Ички ишлар вазираси Нэнси Фезер исломчиларни депортация қилиш билан таҳдид қилди ва «Bild» газетасининг сешанба кунги сонига берган интервьюсида «Ҳозир кун тартибимизда депортацияни кенгайтириш бўйича қонунчилик амалга оширилмоқда», деди. Шу муносабат билан газета ички ишлар вазирлигига таяниб, ўтган йили расмийлар томонидан ўз давлатларига депортация қилинган исломчилар сонининг ўн икки нафарни ташкил қилганини ёзди. Конституцияни ҳимоя қилиш бўйича давлат разведкаси сўл исломчилар сонининг 27480 нафарга етаётганини маълум қилмоқда.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Ал-Ваъй: Албатта Германиянинг ҳам қўшни Ғарб давлатларидан қолишмайдиган ваҳшиёна мустамлакачи башараси бор. Қаранг, бу давлат Холокост сабабли яҳудийларга нисбатан ўзини хато қилганини даъво қила туриб, бироқ бугун «Исроил»нинг Фаластиндаги мусулмонларга қарши навбатдаги Холокост тарафида туриш билан аввалгидан ҳам жирканч жиноятни содир этмоқда. Аллоҳ Таоло бундай деди:</p> <p style="text-align: center;">﴿وَمَا تَقْمُوا مِنْهُمْ إِلَّا أَنْ يُؤْمِنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ﴾</p> <p>«Улар мўминлардан фақатгина у (мўмин)лар қудрат ва мақтов эгаси бўлган Аллоҳга имон келтирганлари учунгина ўч олдилар» [Буруж 8]</p> <p>Аллоҳдан ҳам рост сўзловчи ким бор?!</p>		
<p>RT Arabic: Иброний ахборот воситалари «Исроил» билан Миср ўртасида янги денгиз юк ташиш линияси очилганини маълум қилди</p>		
